

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент давлат миллий ракс ва хореография

Олий мактаби

«Санъат тарихи ва назарияси кафедраси»

Эрназарова Нигора Тошназар қизи

Мустақиллик даврида ўзбек ракс ансамбллари

«Тошкент зеболари», «Офарин», «Сабо»

мавзусидаги

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

“Санъат назарияси ва тарихи”
Кафедра мудири с.ф.н. доцент
_____ Т.И.Юлдашев

Илмий рахбар:
Санъатшунослик фанлар
номзоди, доцент:
_____ Н.Б.Оқилов

Тошкент 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-10
-------------------	-------------

I-БОБ. Мустақиллик даври Ўзбекистон рақс санъатининг ривожланиш хусусиятлари.....	11-27
--	--------------

1.1. Ўзбек рақс ансамбллариининг ташкил этилиши ва ўзига хос дастурининг ишлаб чиқилиши.....	11-17
--	-------

1.2. “Сабо” рақс ансамблининг ўзига хос йўналиши.....	18-27
---	-------

II-БОБ. Миллий рақс ансамбллариининг ташкил этилиши ва ижодий режалари.....	30-46
--	--------------

2.1. “Тошкент Зеболари” ансамбли репертуаридаги рақслар ва уларининг сахнавий талқини.....	30-40
--	-------

2.2. “Офарин” ансамбли сахна-номерлари ва миллий эстрада рақсини ривожлантиришдаги фаолияти	40-46
---	-------

ХУЛОСА.....	47-50
--------------------	--------------

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	51-54
--	--------------

Иллюстрациялар.....	55
----------------------------	-----------

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Санъат — халқларни ўзаро бирлаштирувчи муҳим воситалардан биридир. Инсонларнинг маънавий дунёсини бойитадиган ва руҳиятига маданий хордиқ бағишловчи рақс орқали борлиқдаги воқеиликлар ва инсонларнинг ҳиссиётлари, ички кечинмалари, орзу-умид ва дард хасратлари турли ҳаракатларда ўз аксини топган. Уларда инсонларнинг ҳаёт тарзи, шодликлари, қайғулари каби мураккаб кўринишлар, психологик ҳолатлари кўпинча муҳит билан уйғунлаштирилиб ифодаланади. Унинг қандай кўринишга эга бўлиши эса албатта ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ. Рақсда даврнинг руҳи яққол кўзга ташланади. Ҳар бир рақсда шахснинг туйғулари, ғоялари, ўй-фикрлари ва хаттоки, ҳаётда нимага кўпроқ интилиши ҳам намоён бўлиши билан бирга, ўзи яшаб турган давр хусусида ҳам кенг маълумот бериши мумкин.

Одатда гўзал рақсни яхши санъат асарига қиёслайдилар. Бу бежиз эмас. Агар ҳақиқатан ҳам раққос ёки раққоса ўз ишининг устаси бўлса, ўзини рақсдан айро тасаввур қила олмаса, унинг ижроси кишиларда чиройли шеъриятдек таасурот қолдиради. Нафосат ва малоҳат билан ижро этилган рақс узоқ вақт мухлислар тилидан тилига кўчиб юради. Рақс санъатида одатда ҳаракатлар рамзий мазмунга эга. Хусусан ўзбек рақс санъати нафақат жозибадор пластик ҳаракатлари, балки фалсафий моҳиятга эга бўлганлиги учун ҳам бошқа халқ рақслари орасида ажралиб туради.

Ўзбек рақс санъати айниқса Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг янгича мазмун, янгича жило ва янгича шакл билан Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинган дастлабки

кунлариданок Президент Ислон Абдуғаниевич Каримов халқнинг собик шўролар даврида эътибордан четда қолган ўзига хос қадриятларни чуқур ва атрофлича ўрганишга катта аҳамият бериб, уни тиклаш, ундан халқни кенг манфаатдор қилиш тамойилларини ишлаб чиқди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ислохотлар ўтказиш, жумладан, маънавий ва маърифий соҳада халқ таълими тизими соҳасида улкан ишларни амалга оширишга киришилди. Мустақиллик йилларидан санъатга, маданиятга бўлган эътибор кучайди. Мана шу вақт ичида мамлакатнинг маънавий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди.¹

Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш ҳақида сўз юритилар экан, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам, шу сабабли ижод аҳлида янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаддас тушунчалар борки, улар Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Агарки ҳар қайси ижодкор ўз асарларида ана шу ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади.²

Умуман олганда ҳар бир санъат тури ўз ривожланиш йўлини топиб олди десак хато қилмаган бўламиз. Хусусан, ушбу даврда рақс санъатида юксалиш ва эришилган ютуқлар, кўплаб ансамблларнинг ташкил этилиши кигини қувонтиради. Сабаби ансамбллар ўртасида ижодий рақобатнинг юзага келиши натижасида рақснинг барча турлари ривожланишига ҳамда,

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008, Б-3

² И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008, Б-3

жаҳон сахналарида муносиб ўрин эгаллашига туртки бўлганини кузатиш мумкин. Уларнинг ҳар бири ўзининг дастури, йўналиши ва услубига эга. Концерт заллари ва турли халқ байрами ва тадбирларини беэаб турган, уларнинг жозибадор ва наэфосатли ўтишида ушбу ансамллар самарали меҳнат қилишмоқда. Бироқ улар томонидан амалга оширилган ижобий ишлар матбуотдаги оммабоп мақолларда ёритилаётганини таъкидлашимиз жоиз. Бугунги кунда рақс ансамбллари фаолияти илмий тадқиқотчи, рақсшунослар томонидан ўрганилмаганлиги, ансамллар ижоди ҳақида етарли илмий манба, каталог, буклет нашр қилинмаганлиги билан долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид бўлган ашёвий манбалар ва адабиётларни тўплаш, илмий изланишлардаги маълумотларни умумлаштириш, юзага келган фикр ва мулоҳазаларни бир тизимга жамлаш – олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларни ёритиш, битирув ишининг мазмун моҳиятини очиб беришга ёрдам беради.

Мақсад ва вазифалар. Ушбу малакавий битирув ишидан кўзланган мақсад “ Мустақиллик даврида ўзбек рақс ансамллари” фаолиятини атрофлича ўрганиш, уларнинг халқаро майдонда тутган ўрнини ташкил қилинаётган маданий тадбирлар мисолида аниқлашдан иборатдир.

Малакавий битирув ишини ёритиш йўлида бир қанча вазифалар белгилаб олинди.

- мавзуга алоқадор манбаларни тўплаш, умумлаштириш ва назарий хулосалар чиқариш;
- мустақиллик даври Ўзбекистон рақс санъатининг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш;

- ўзбек рақс ансамбллари­нинг ташкил этилиши ва ўзига хос дастурининг ишлаб чиқилишига баҳо бериш;
- рақс ансамбллари сахна-но­мерлари ва миллий эстрада рақсини ривожлантиришдаги фаолиятини қиёслаш;
- рақс ансамбллари­нинг ўзбек рақсини халқаро мйдонга олиб чиқишдаги амалга оширган тадбирларни изоҳлаш;

Манбалар таҳлили. Ўзбекистонда рақс санъатининг бугунги ҳолати ва долзарб масалаларини илмий таҳлил ва тадқиқ қилган рақсшунос олимлар сони бармоқ билан санашга ҳам етмайди. Санъатшунос олима Любовь Авдеева, Розия Каримова , Мухсин Қодиров, санъатшунослик фанлари номзодлари ларнинг илмий тадқиқотларидан бўлак ижодий илмий иш ҳозирча йўқ. Рақс санъати Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби назарий бўлимлари талабаларининг — «Малакавий битирув иши» каби илмий изланишлар даражасида қолиб кетмоқда ва нашр қилинмагани учун кенг ўқувчига маълум эмас. Шунинг учун, мавзунини ўрганилиш даражасини белгилайдиган бўлсак, рақс тарихи билан боғлиқ адабиётларнинг кўпчилиги 2001 йилгача, ўзбек рақсининг шаклланиши ва ривожланиши тамойиллари хусусидаги яхлит манбаа деярли йўқ эди. Любовь Авдееванинг „Ўзбек миллий рақси тарихидан”³ деб номланган китоб кўпчилик рақс тарихини ўрганувчилар учун қўл келди. Китобни шубҳасиз дарсликлар қаторига қўшиш мумкин. У ўз ичига муаллифнинг илмий изланишлари натижасида ўзбек рақс санъати хусусидаги орттирган маълумотлари қадимги замонлардан 2000- йилга қадар анъанавий рақс санъатимиз баёнини олади. Унда ўзбек халқ рақс хазинасининг тарихий турлари ва жанрларининг оддийдан мумтоз

³ Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан. Биринчи китоб –Т, 2001 й, 283 Б.

рақсгача кенг қамровли берилган. Шунингдек мавжуд мактабларнинг ўзига хослиги ҳам баён этилган.

Розия Каримова мутахассислар учун ҳар бир ўзбек рақси мактаблари рақси қоидаларини баён қилувчи рус тилида китоб ёзган эди. Мустақиллик шарофати билан, уларнинг барчаси ўзбек тилида чоп этирилди. „Ўзбек рақслари“⁴ деб номланган ягона тўплам юзага келди. Қўлланмада Бухоро рақси, Хоразм рақси, Фарғона рақсига таълуқли асосий ҳаракатлар мажмуаси алоҳида берилади рақс услублари бир-биридан фарқланади. Ҳар бир рақс услубига хос ҳолатлар ва асосий ҳаракатлар чизмалар ва суратлар билан таъминланади. Китоб мутахассислар учун ёзилган бўлсада, ундан ишимизда асосий манбаа сифатида фойдаланишимиз мумкин.

Сўнгги йилларда чоп этилган рақс санъатининг умумий хусусиятлари билан боғлиқ манбага «Ўзбекистон санъати: 1991-2001 номли жамоавий тўпламда М.Қодиров қаламига мансуб «Рақс санъати»⁵ мақоласини, киритиш мумкин. Муаллиф ўтган асрнинг 80-йилларнинг охирларида халқ ананалари ва қадриятларини тиклаш масалалари кун тартибига қўшилиб, Ўзбекистон мустақилликга эришгач, етакчи ананага айланганини этироф этади. Шунингдек, халқ ижодиётида намоён бўлган вилоятлардаги Бойсун (Сурхандарё), Шалола (Тошкент вилояти), Сумалак (Андижон), Достон (Хоразм), Чавки (Самарканд), Чироқчи уффориси (Кашкадарё) каби ашула ва рақс ансамбллари фаолиятига баҳо беради. Ушбу мақола ишимизда назарий

⁴ Каримова Р. Ўзбек рақслари.- Т., 2003. 167 б.

⁵ Қодиров М. Рақс санъати. Ўзбекистон санъати. – Т., 2001., 179-184 б.,

хулосалар чиқариш учун қўл келади. Шунингдек даврий газета ва журналларда раққосаларимиз ҳақида сон-саноксиз мақолалар мавзумиз доирасига ўз сифати ва даражасига кўра алоқадорлиги мунозарали кўринади.

Мавзунини ёритишда интернет электрон хизматига ҳам мурожаат этилди. Интернет орқали рақс ансамббалри ва бўлиб ўтаётган тадбирлар тўғрисида маълумот олишга муваффақ бўлинди.

Малакавий битирув ишининг объекти ва предмети.

Сўнгги йилларда рақс гуруҳларининг кўпайганлиги қувонарли ҳол. Улар ўзбек рақси санъатини ривожлантиришда ва дунёга танитишда ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Шу сабабли “Сабо” , “Тошкент Зеболари” ва “Офарин” гуруҳлари мисолида рақс ансамллари фаолиятини ўрганишга диққат қаратдик. Предмет сифатида ушбу рақс ансамлларнинг репертуари, концерт дастурлари ва рақс ижросининг ўзига хос услуби, сахна либослари, анъанавий ҳамда замонавий рақслар ижросига эътибор берилди.

Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Ишни ўрганишда рақсшунос олимларнинг илмий манбалари, ўзбек рақс маданиятига оид илмий рисоалари услубий асос вазифасини ўтади. Шу туфайли қадимдан ўз кучини йўқотмай келаётган амалиёт ва назария билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, тарихий йўл, тажрибалар илмий таҳлил қилинишини талаб қилишини изоҳлаш, шу нуқтаи назардан ёндошиб, замонавий ўзбек рақс гуруҳлари фаолиятини назарий асослаш талаб этилади. Рақс соҳасига оид қатор адабиётлар ва илмий мақолалар чоп этирилган бўлсада, ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Ҳар бир рақс ансамбли ёки концерт

номерларини таҳлил қилиш, унга илмий ёндашиш, илмий умумлашма ва хулосалар бериш орқали, соҳани ривожлантиришда амалий аҳамият касб этиши мумкин. Бугунги кунда санатшуносликнинг бир тармоғи бўлган рақсшунослик назариясининг маълум жиҳатдан бойишини илмий ишлар тизимини кўпаётгани билан белгилаш жоиз бўлса ушбу диплом ишида мутахассислар ишларида қўлланма сифатида хизмат қилса ажаб эмас.

Малакавий битирув ишининг янгилиги. “Офарин”, “Сабо”, “Тошкент Зеболари” гуруҳлари фаолияти тадқиқот объекти сифатида илк бор олиб чиқилмоқда. Тадқиқотчи ўз имкони даражасида номлари уларнинг фаолиятини ўрганади, қиёслайди ва хулосалар беради.

Малакавий битирув ишининг таркибий тузилиши. Ушбу малакавий битирув иши кириш, икки боб, тўрт бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иллюстрациялардан иборат. Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилган манбаалар тахлили, мақсад ва вазифалар баён этилди. Биринчи бобда Мустақиллик даври Ўзбекистон рақс санъатининг ривожланиш хусусиятлари, ўзбек рақс ансамбллариининг ташкил этилиши ва ўзига хос дастурининг ишлаб чиқилиши хусусида маълумотлар бериб ўтилади. Шунингдек “Офарин” ансамбли сахна-номерлари ва миллий эстрада рақсини ривожлантиришдаги фаолияти ёритилади. Ансамблнинг халқаро – маданий алоқалари, бошқа гуруҳлардан фарқли хусусиятлари ўрганилди.

“Миллий рақс ансамбллариининг ташкил этилиши ва ижодий режалари” деб номланган иккинчи боб асосан “Тошкент Зеболари” ансамбли репертуаридаги рақслар ва уларининг сахнавий

талқини, ҳамда “Сабо” рақс ансамблининг ўзига хос йўналиши га бағишланган.

Мустақиллик даврида рақс санъати ривожига қаратилган эътибор, рақс санъатини ривожлантириш давлат дастурининг амалдаги ижроси, умумий мазмун моҳияти хулоса қисмига ёзилди. Шунингдек бугунги кунда рақс ансамбллари қўлга киритган ютуқлар ва юзага келган муаммолар тадбиқ этилади.

I-БОБ. Мустақиллик даври Ўзбекистон рақс санъатининг ривожланиш хусусиятлари

1.1. Ўзбек рақс ансамбллариининг ташкил этилиши ва ўзига хос дастурининг ишлаб чиқиши

Мустақиллик халқимизнинг азалий орзуси ва ушалган бахтидир. Ўз бахтидан шодон, ўз эркидан хушчақчақ ккишиларимизнинг ҳар куни, ҳар они бир байрам, улкан тантана тарзида кечмоқда. Кишиларимизнинг ҳаёти фаравон, турмуши соз бўлгани сайин уларнинг маданий савияси, эстетик завқи ҳам ўсиб кетди. Уларнинг санъатга муносабати нақадар нозиклашиб, таъби ва диди жуда юксалди. Энди улар бўлар-бўлмас томошаларни “ҳа шу эканда” деб кўриб кетаверадиган одамлар эмас, улар яхшини ёмондан аниқ ажратиб оладиган, ҳар бир томошани суриштириб, синчиклаб ўқийдиган, мағзини чақиб, муҳокама қилиб кўрадиган, талабчан, диди юксак кишилардир. Шу сабабли паст савидаги, саёз мазмунли, ғоявий сушт асарлар эндиликда ўйлашиб сахнага чиқарилади.

Жумладан, ўзбек рақси, унинг бугунги аҳволи ва сахна маданияти ҳақида ҳам бир қанча фикрлар билдиришимиз мумкин. Шунини айтиш керакки, ўзбек рақси XX аср давомида халқ орасида байрам ва маросимлар билан боғлиқ ҳолда ананавий шаклларда ҳамда замонавий сахна талаблари асосида қайта ишланган шаклларда яшаб келади. Тор сахна сахналаридан кенг майдонларга йўлланма олиб, танилиб, доврўф қозонди. Улар фанда Халқ рақси ва Сахनावий рақс деб аталади. Сахनावий рақс ансамбл бўлиб уюшган хаваскор ва профессионал раққос ва раққосалар томонидан ижро этилиб келинади. Уларни халқ мероси негизида тўқиб сахналаштиришда раққос балетмейстерлар камарбаста бўлиб келишган. Минг йиллар мобайнида йиғилган бой анъаналар янгича

талқин, янгича шакл, янгича мазмун касб этиб янада гўзаллашди, замона руҳига мос янгича кўрк касб этди.

Ўзбек рақс санъатининг асосчилари, сахнамизнинг фаҳри бўлиб ном қозонган устоз ижодкорлар Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайилова, уларнинг сафдошлари ва издошлари, шунингдек шогирдлари Ўзбекистон халқ артистлари Клара Юсупова, Қундуз Миркаримова, халима Комилова, Гулнора Маваева ва қатор истеъдодли ёшлар миллий рақс санъатимизнинг рўёбга чиқишида, танилишида, севилишида, шуҳрат қозонишида ва халқимизнинг ўлмас бойлигига айланишида катта хизмат қилишди ва қилишмоқда.

Ўзбек рақсининг ҳар бир мактабини ўзига хос шакл кетма-кетлиги, куй-оҳанг ва имо ишоралар, ҳаракат қисмлари фарқлаб туради. Профессионал раққосалар рақс сир-асрорларини узоқ йиллар ўрганади. Рақснинг энг содда техникасидан то усулга тушиш, қоида саналган ҳар бир шаклларни эслаб қолиши талаб қилинади. Рақсни ўрганиш жараёнида нафасни тўғри йўлга қўйишга ҳам эътибор қаратилади. Буларнинг барчаси уста-шогирд анъанаси ҳисобланиб, бу усулда рақс санъати мукаммалроқ ўзлаштирилади. Шогирд уста санъаткордан рақснинг энг нозик томонларидан тортиб, то либос-безакларгача ўрганади. Бу эса ўз навбатида миллий меъросимизни шу пайтгача тўла етиб келишининг асосий мезони бўлган. Бироқ ўтган асрнинг 90 йилларига келиб рақс санъатида маълум таназзул кузатила бошлади. Устоз-шогирд занжири узилиб, рақс санъати кийин аҳволга тушиб қолди. Бунинг асосий сабабларидан биттаси раққосаларнинг ўртасида кўр-кўрона тақлидчиликка берилиши, ҳаракатларида сохталикни кўпайиб кетишидир. Тақлид, кўчирмачилик

авжига чиқиб, мактаблар ўртасидаги фарқли томонлар, умуман ўзбек рақс санъатининг асосини йўқолиш ҳавфи туғилди.

Уни олдини олиш мақсадида 1997 йил 28 январда Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида” ги фармон эълон қилинган катта ютуқлар қўлга киритилди. Фармонда “Миллий рақс ва хореография санъатининг тарихий анъаналарини ва усулларини тиклаш, бойитиш, янада ривожлантириш; Миллатимизнинг ўзига хос Шарқона фазилатларини, бой маънавиятимизга монанд-рақсларни кенг тарғиб этиш учун қулай шароит яратиш; Миллий рақс йўналишлари бўйича узоқ муддатли, мақсадли дастурлар тайёрлаш, рақс санъатини халқимизнинг юксак маънавиятига зид бўлган, ноўрин тақлидга асосланган хатти ҳаракат ва либослар хуружидан сақлаш; махсус таълим тизимини ташкиллаштириш, малкали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш ҳамда, бу соҳа ташкилотларининг моддий негизини мустаҳкамлашда”⁶ тўққиз банддан иборат масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзтелерадиокомпанияси ва “Ўзбекнаво” гастроль-конерт бирлашмасининг “Баҳор”, “Лазги”, “Зарафшон” ҳамда “Тановар” ансамбллари негизида танлов асосида Маданият ишлари вазирлиги қошида, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази қошида Мукаррама Туғунбоева номидаги “Ўзбекрақс” ижодий бирлашмаси ташкил этилди ва бирлашма қошида махсус жамғарма тузилди. Хореография билим юрти

⁶ Каримов И. А. -“Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони.1997 йил 8 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1997 йил 1-сон, 26-28 бетлар.

негизда эса Тошкент Давлат Миллий рақс ва хореография Олий мактаби барпо этилди.

Бирлашма ўз фаолиятида ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланиб келган ноёб меросини, жозибали рақс намуналарини тўплаш бойитиш ва ёш авлод онгига бу бебаҳо бойликларга чуқур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини уйғотиш, уларда миллий маънавиятимизга, кадрятларимизга нисбатан эҳтиром ҳисларини юксалтириш ишларини олади. Барча вилоятларда мавжуд рақс йўналишини сақлаб, шу асосида янги бадиий жамоалар тузиш, замонавий ўзбек миллий рақс мактабини яратиш ҳам биринчи галдаги вазифа қилиб олинди.

Бирлашма қошида. “Ўзбекрақс” бирлашмаси таркибига “Баҳор”, “Зарафшон”, “Лазги”, “Тановар”, “Айкулай” (Қорақалпоғистон) номли катта ансамбллар, “Сумалак” (Андижон), “Лола” (Бухоро), “Гулираёно” (Жиззах), “Момогул” (Қашқадаре), “Навоий наволари”, “Наманган гуллари”, “Самарқанд баҳори”, “Дўстлик”(Сирдарё), “Бойсун”, “Шалола” (Сурхондарё), “Гулдаста”(Тошкент вилояти), “Анор”, “Камалак” (Фарғона), “Хоразим наволари” халқ рақси ҳамда фольклор-этнографик ансамбллари киритилди. Республика бўйича рақс ижодкорларини бирлаштириш, давлат ва рақс ансамбллари фаолиятини йўналтириш, рақс ҳавоскорлиги ҳаракатини янада кучайтириш, йигитлар рақсини изга солиш. Анъанавий рақс услубларни асраб авайлаш асосида янги рақслар яратиш, унутилган қадимий рақслар ҳаракатлар ва композицияларни тиклаш, рақс мактаби ва коллежларни очиш, рақс тарихини ўрганиш, миллий рақсларнинг ёзиб олишнинг энг қулай услубини ишлаб чиқиш, рақс санъати танқиди, таҳлили ва тарғиботини ривожлантириш рақсшунослар, рақс муаллимлари, балетмейстерларнинг бакувват захирасини вужудга келтириш каби вазифаларни бажариши учун қонуний

ва ташкилий замин яратилди. Бирлашманинг ташкилий даври ўтиб янги дастурлар, янги рақс спектакллари яратилмоқда. Бугунги даврдаги бундай ўзгаришларни кўриб ҳар бир киши қалбида устозларидан ғурур ҳисси уйғонади, чунки бу даражага эришишда уларнинг хизмати беқиёс эканлигини таъкидламай иложи йўқ.

“Ўзбек рақс” бирлашмаси таркибидаги ижодий жамоаларнинг, ташкилий ва молиявий, моддий-техник масалаларини ечиш, моддий-техник қўллаш, уларни мусикий асбоблари, ранг-баранг рақс либослари, замонавий техника, зарур анжомлари билан таъминлаш ҳақида тегишли қарор қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасига юклатилди. Бирлашма тушган маблағни рақсни ривожлантиришга ишлатилиши учун унинг тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар барча турдаги солиқлардан озод қилинди. Бирлашма дастлаб ўзбек миллий рақс мактабини сақлаш, уни чет мамлакатлар жамоатчилиги орасида кенг тарғиб қилиш, ансамблларнинг кенг кўлами дастурига асосланган гастрол фаолиятини уюштириш, реклама тижорат ишларини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Қанча унутилган рақслар тикланди, фольклор гуруҳлар рақслари ўрганилди. Шунингдек рақс санъатининг яна ҳам оммалашиб кетгани ва ансамбллар сонининг ортгани кишини қувонтиради. Рақсни севувчилар сони кенгайиб, уни тушунувчилар ва севувчилар сони кенгайди. Лекин ҳар бир янгиликнинг, ҳар бир яхши нарсанинг иккинчи томони ҳам кўриниб қолади. сўнгги йилларда энг қадрли, энг гўзал, энг оммавий рақс санъатимизда айрим номақбул ишлар чегарадан чиқишлар, ҳурматсизлик, бачканалик ва ўзбилармонлик, менсимаслик каби ёмон одатлар содир бўлмоқда. Шу сабабли рақс санъатини бойитиш, кенгайтириш ва тарғиб қилишга эътибор янада кучайтирилиши лозимлиги кўриниб турибди.

Шу ўринда А.Рахимовнинг қуйидаги фикрини келтириб ўтмоқчимиз: “Нима учун миллий рақс санъатимиз, рақс ансамблларимиз, раққос ва раққосаларимиз халқ назаридан тушиб кетаётир? Нима учун рақс санъатига томошабинларнинг қизиқишлари ниҳоятда сўниб бораётир? Нима учун рақс ансамблларимизда яратилаётган янги рақсларда инсоннинг ички бой олами, кувонч-ташвишлари, унинг маънавий гўзаллиги акс этмаяпти. Нега мазмунли рақс композициялари, моноспектакллар ўз-ўзидан йўқолиб кетти? Бу саволлар ва муаммолар айни мутахассисларни кўп йиллардан бери ташвишга солиб келмоқда. Мазкур ҳафталикда шу йил чоп этилган Ашурали Жураевнинг “Йўқолаётган жозоба” мақоласида ёзгандек олдимизда турган масалалар ҳақида ёзаверамиз, давра суҳбатлари, илмий-амалий конференциялар ўтказаверамиз. Аммо муаммолар муаммолигича қолиб кетади, тегишли идораларда ҳал қилинмайди. Бу йўл билан миллий санъатни ривожлантириб бўлмайди”.⁷

Масаланинг яна бир томони, кўпинча санъаткорланинг камчилигини топишга уларни танқид қилишга ўрганиб қолганмиз, бироқ рақсшуносликдаги камчиликлар ҳам бугунги кун санъатшунослигининг энг оғриқли нуқталаридан бири ҳисобланади. Фикримиз орқали, шуни таъкидламоқчимизки, телеканаллар ўз дастурларига рақс санъати билан боғлиқ кўрсатувлар тайёрлаб, уларда профессионал мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйишса, рақс санъатни тарғибини кучайтиришса муаммолар бир мунча бартараф этилиши мумкин.

Ҳозирда рақс санъати оламида фақатгина инқироз ҳолати ҳукм сураётгани йўқ. Чунки, рақс ижро мактабида мавжуд йўналишларнинг ўзида ижод қилаётган санъаткорлар қатори янгиликка интилувчи, рақс санъатини бирор усул, мактаб билан бойитиш йўлида тинимсиз

изланаётган ижодкорлар ҳам бор. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида рақс дасталарининг сони ўндан ортди. Уларнинг ҳар бири ўз дастури ва ўзининг услубига эга бўлиб, ўзаро ижодий рақобатни юзага келтиришган. Рақс ансамбллари ижросида халқ сайллари, байрам ва тантаналар янада жозибали ва сежило ўтмоқда. Мустақиллик байрами оламизми, ёки Наврўз байрами бўлсин албатта уларни гўзал рақсларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шунингдек балетмейстерлик фаолияти ҳам кенгайди. Эндиликда миллий мумтоз рақслар билан бирга, эстрада ва спорт билан боғлиқ рақсларни сахналаштириш ва уларни давр руҳига монанд тарзда томошабинлар эътиборига ҳавола этилаётгани кузатилмоқда. Қайси хонанданинг концерт дастури бўлмасин уларда турли рақс ансамбллариغا мурожаат этилгани ва бир-бирига ўхшамайдиган композициялар яратилганини гувоҳи бўламиз. Шунингдек ҳар бир рақс ансамбли ўзининг репертуари билан ҳорижда ўзбек рақсини тарғиб қилиши ва улар билан тажриба алмашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Умуман олганда рақс ансамбллари фаолиятига баҳо берган чоғимизда, айнан мана шу ансамбллар саъйи ҳаракати туфайли ёшларнинг ушбу санъатга бўлган қизиқишлари янада ортганини таъкидлашимиз даркор. Шунингдек тўй ҳашамларда ҳам намоёиш этилаётган рақсларни кузатган киши, уларнинг санъатига тасанно айтмоқда. Уларга қараб халқнинг онгидаги юксалишни пайқамасдан иложинг йўқ. Ўзингни бирон хонанданинг концертига келгандек ҳис этиш мумкин. Улар томошабини самимий муҳаббатини қозонди.

1.2. “Сабо” рақс ансамблининг ўзига хос йўналиши

“Сабо” миллий рақс ансамбли 2003 йилда ташкил этилган. Ансамблнинг ташкил этилишидан мақсад миллий рақс анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, мусиқа ва кийимларни келажак авлодга етказиш ҳисобланган. Ансамбл асосан Олий рақс мактаби қошидаги “Ассалом куёш” гуруҳининг тарбияланувчилари иштирокида юзага келган. 2005 йилда унга Давлат ансамбли мақоми берилган. У бугунги кунда Алишер Навоий номидаги ДАК қошида фаолият юритади. Ансамблга “Сабо” деб ном берилган. Гуруҳ кизлари 16 ёшдан 22 ёшгача бўлган. Ансамблнинг репертуарида фольклор, классик ва Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари ўйинлари, Бухоро, Хоразм, Фарғона, Зарфшон рақсларини қамраб олган. Бундан ташқари дунё халқлари рақслари испанча, грек, рус, араб ва бошқа халқлар рақсларини ҳам ижро этишади. Давлат тадбирлари ва тантаналарида гуруҳ кизлари ўз маҳорати ва моҳирона ижроси билан ажралиб туришади. Ансамбл кўпгина халқаро мусобақа ва фестивалларда иштирок этиб, бир қанча совринларга сазовор бўлган. Ўзбекистон санъатини Тайванд, Япония, США, Канада, Франция, Бельгия, Италия, Швейцарияда намойиш қилишган. Қаерга бормасин бу ёш ва гўзал қизлар ёрқин ва чиройли рақс ижролари билан томошабинларни завқлантиришган.

Ансамбл репертуари бойиб, рақслар сони кўпайиши билан бирга, ўтмиш меъросга ҳам мурожаат этиш ва катта усталар санъатини ўзлаштириб, анъанани бардавом этаётганликлари кўзга ташланади. Шу ўринда улар рақсларда фойдаланадиган кийимларига алоҳида эътибор қаратишлари ва анъанани бузмаётганликлари кишини қувонтиради. Кийимларни тикиш ва уларни безаш ишларини Муборак Мирзаеванинг ўзи назорат қилади. Туғма иқтидор М.Мирзаевага қисқа вақт ичида ўзбек

ракс мактабининг бой техник базасини эгаллаб олишига имкон берган. У Мукаррама Турғунбоева сингари йирик хореограф ва “Катта ўйин” билимдони, шунингдек, машҳур педагог, балетмейстер, рақс билимдони Вилоят Оқилова қўлида тахсил олади. М.Мирзаева “Сабо” гуруҳига асос солиши ҳам, устозларидан олган билимларини ёшларга ўргатиш ва бугунги кун рақс санъатини ривожлантириш бўлган. Муборак Мирзаевадаги тиришқоқлик, ўз касбига муҳаббат, ўз устида тинимсиз ишлаш – ансамблни юқори чўққиларга олиб чиқди. Меҳнат қилган албатта роҳатини кўради. Даста тез орада машҳурликка эришган эди. Шу сабабли у икки йилда давлат мақомига эга бўлди.

М.Мирзаеванинг айтишича, бу рақс дастаси устида ишлаш чоғида кизларга ўзбек рақсининг уч йирик мактабига хос шаклу шамоийил ва имо ишораларни ўргатиш баробарида, жаҳон халқлари рақслари ҳам ўрганиб борилади. Шунингдек рақс соҳасида ҳам “образга кира олиш” тушунчасини “бутун қалби билан ўзлаштириш” лозимлиги ансамблнинг ҳар бир иштирокчиси онгига сингдириб борилади.

Айтиш жоизки, сўнгги концертларнинг кўпчилиги “бир қўшиқчи театри” га мослаштирилган. Ҳар йили қўшиқчиларимиз концертлари анъанавий байрамлар муносабати билан ўтказила бошланди. Мисол тарзда ёшлар орасида таниқли ва севимли хонанда Райхон Ғаниева саҳналаштирилган “Ёлғизим” номли концерт дастурини келтиришимиз мумкин. Ушбу концертда рақснинг турли усулларидан фойдаланилмоқда. У кўтаринкилиги ва ёшларга мослиги билан ажралиб турган. Ундаги барча рақслар замонавий кўринишга эга. Ушбу концертда “Сабо” гуруҳи иштирокида рақслар саҳналаштирилган. Ушбу гуруҳ ҳам миллий анъаналарни, ҳам европа анъаналарини ўзлаштирган гуруҳ ҳисобланади.

Концерт бошланишида сахнанинг юқори қисмидан худди циркдаги каби раққослар бир-бир тушиб келишади. Рақснинг бошланиши сахнага асосий қаҳрамон Райхон чиқмагунча сирли ва бир оз мавҳум кўринади. Сахнада трюклардан фойдаланилган. Юқоридан, худди ўргимчак каби арқонда тушиб келган раққослар тутун орасида йўқ бўлиб кетишади. Кўшиқнинг ривожини билан улар ҳам ҳаракатлана бошлашади. Ушбу рақс характериға кўра пластик ҳаракатларға асосланган. Йигит ва қизлар ҳаракатлари мусиқа ритмини такрорлайди, уни ифодали чиқишиға ёрдам беради. Рақс моҳиятиға кўра унга мос кийим танланган. Кенг қанотли кушни эслатувчи кийим декоратив аҳамиятға эға.

Концертда балетмейстерлар шарқ рақслари орқали ёрқин колоритдан ҳам киритиб ўтишган. “Сенға эмас” кўшиғидаги тез ритм кўпроғ араб рақслариға мос келади. Шу сабабли кўшиқ араб рақслари билан бойитилган. Бадиий яхлит томошаға эға бўлган ушбу концертларда балетмейстерларимиз эстраданинг барча унсурлариға амал қилиб, ғоявий, бадиий, образли композициясига эътибор қаратишмоқда. Эстрада рақсининг ранг-баранг жанрлари классик, пластик, ритмик, акробатик ёки маиший рақслар техникаси қўлланилади. “Сени деб ” номланган кўшиқ рақси худди шундай маиший аҳамиятға эға. Унда рақс билан бирға театрлаштирилган томоша ҳам намойиш қилинади.

“Сабо” ансамблининг таҳсинға сазавор ишларидан бири улар анъанавий рақсларни ҳам қайта тиклаётганлиғидадир. Кўриб ўтганимиздек ансамбл нафақат устозлар усуллари, рақслардаги либосларини ҳам сақлаб қолишға уринишмоқда. Албатта булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Ансамбл бадиий раҳбарининг ўтмиш меъросға ҳурмати ва шогирдлариға ўзбек рақси усулини ўргатаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ансамблнинг репертуарида Фарғона рақсларига алоҳида эътибор қаратилаган. М.Мирзаева устози Мукаррама Турғунбоевадан ҳар бир рақснинг яратилиш тарихи ва рақс драматургиясини ўрганди. Унинг кейинги ижодида бу жараён муҳим ўрин эгаллаб, ижодкор учун ҳаёт мактаби бўлиб қолди. Ҳозирда ўзи фаолият юритаётган “Сабо” ансамблида ўз шогирдларига ушбу рақсларни ўргатмоқда.

Таҳлилни “Сабо” ансамблининг 2010 йилда ўтказилган ҳисобот концерти орқали амалга оширмоқчимиз. Даврада сабонинг қизлари пайдо бўлишади. Ҳали парда очилмаган. Қизларнинг бир қатор бўлиб туришлари ва бир ҳил либос кийганликлари томошабин завқини оширади. Мана улар бирин-кетин ҳаракат қилишмоқда. Барчанинг эғнида ялтироқ узун ҳаворанг кўйлак. Унинг этаклари кенгайтирилган. Бунинг эвазига қомат янада чиройли кўринган. Унинг енглари ҳам узун. Устидан ҳарир оқ матодан камзол тикилган. Бошларида тиллақош ва фата ташланган. Кўкракларида зебигардон ва бўйнига оқ маржон тақишган. Оёқ кийим ҳам худди шундай тилла ялтироқ рангдан иборат.

“Айланай” куйи янграй бошлайди. Раққоса доира усуллари жўрлигида Фарғона рақс мактабининг оҳанг-пластик усуллари ила ҳаракатланади. У бел мушакларини бироз бўш қўйган ҳолда, оёқларини хиёл букади. Аста қадам ташлаб, енгил ўтаради. Оёқларни бундай енгил эгилиши туфайли мумтоз рақсдаги каби контрапункт чизиғи белнинг кичик марказий қисмида эмас, шунга кўра елка оғирлиги мушаклари бўксага босим ўтказади, қўллар тирсакдан панжаларгача эркин ҳолатда бўлади, бу эса панжаларнинг эркин ҳаракатини таъминлайди. Раққоса бирдан қўлларини чўзиб, ўсимлик дунёсини эслатувчи ҳаракатлар билан, баргларни, майсаларни ифдалай бошлайди. Бирдан шамол эси қўллар тебрана бошлайди. Халатнинг этаги ва енгларининг учига яшил мунчоқлар

билан ишлов берилган. Унинг ичидан енги калта “лазер” матодан кўйлак кийган. Пастада адрас матодан шим тикилган. “Қоматни тутиш” ва “мушаклар кучини тақсимлаш” кабиларнинг ўзи ҳам ўзбек анъанавий рақсининг сержило қирраларини акс эттиради.

“Сабо” ансамбли фарғона сюитаси деб номланган репертуаридаги рақслари орасида мумтоз рақслар ҳам ўрин эгаллаган. Маълумки мумтоз рақслар халқ мумтоз куйлари оҳанглари асосида ижро этилади. Бунга “Муножот” рақсини мисол қилиб олиш мумкин. “Муножот” йирик шаклдаги ўзбек мумтоз чолғу куйлар туркуми бўлиб, “Муножот”, “Сафти муножот”, “Уфори муножот” деб номланувчи уч асосий қисмдан иборат. Туркумли ижрода баъзан “Сафти муножот”дан кейин “Оромижон” номли куй уланиб, сўнгра “Уфори муножот” янграйди ва шу куйга монанд рақс ижро этилади. Ўтмишда “Муножот” –Оллоҳдан нажот, мадад тилаб қилинадиган тунги ёки яширин ибодат, инсонларнинг руҳий ҳолати билан боғлиқ ҳолда юзага келган. “Муножот” куйига кўйилган рақсда ҳам айнан ана шу тунги ибодатнинг мазмуни ифода этилган. Ҳар доим “Муножот” ижро этилган вақтда раққосанинг эғнида ички кўйлак оқ рангда, устидаги халат эса қора ёки кўк рангда бўлиб ялтироқ тошлар билан безатилган бўлади. Бу эса тунни рамзини ифодалайди.

“Сабо” репертуарининг яна бир мумтоз рақси “Катта ўйин” ҳисобланади. Негаки, Мукаррама Турғунбоева “Катта ўйин” рақс мақоми йўлида тарбия топган ва уни ўрганган эди. шу сабабли шогирдларига ҳам ушбу рақсни ўргатишга ҳаракат қилар эди. Бу эса ушбу рақснинг боқийлигини таъминламоқда. Катта ўйиндаги ўндан ортиқ ритмик қомат усули, унинг мазмуни ва моҳиятига баҳо бериш билан бошланади. Қомат, кўл ҳаракати ва ушбу ҳаракатлар ижросида

раққоса ички кечинмаларни кандай уйғунлаштириши кераклигига алохида урғу берилади. «Катта ўйин» кўп асрлик тарихида ҳар бир усул ўз мазмуни ва техник ечимига эга эканлиги кўпчилик рақс усталари томонидан қайд этилган. Масалан Л.Авдеева шундай фикр билдиради: Катта ўйиндаги шўх-шодон ҳаракатлар ундаги либос ранг ечимини талаб этади. Катта ўйинда раққоса бошига тилла қошли қизил дурра кийган. “Катта ўйин” рақс образларининг ҳажмли тизими бўлиб, инсоннинг турли ҳаётий тасаввурларини ва ўсимлик ҳаётидаги энг эътиборли жиҳатларни унда акс эттиради. “Катта ўйин”да ҳар бир рақс ҳолати ўз образлилигига кўра ҳажмли бўлган ҳаракатдан таркиб топади. Шунинг учун унда чуқур ҳиссиётларни ва турли-туман ҳаётий ҳодисаларни ифодалаш мумкин бўлади. Энг муҳим “Катта ўйин” ўзига хос бўлган “фарғонача” усуллар тизимини қамраб олади ва бир-икки усулда бухороча, хоразмча, уйғурча ва ҳатто эронча ва афғонача мактабларнинг образлилик тизимларига ҳам уйғунлашиб кетади.⁸

“Сабо” қизлари рақсида табиат образи яратилади, рақс нақшларида кўл жилвалари, ўрмон йўлаклари, ариқ жилдирашлари, дарахт гуллари, қушлар парвози ўз аксини топади. Ушбу рақс орқали вужудга келадиган образлар ижрочиларни мажозий фикрлашга мажбур қилади. Уларнинг ҳар бири ўзини бутуннинг қисми сифатида ҳис қилади, гоҳ барг, гоҳ гул, гоҳ сув кўринишида намоён бўлади. Ҳаракатлар бир хилда, томшабин уларни яхлитлигича қабул қилади. Бу бадиий усулнинг шартлилиги, рақс тасвирларида томошабин ҳаёлот дунёсига шўнғиб, тасаввур кенглигини ўз эркига қўйиб беради ва образли фикрлай бошлайди.

“Тановар” туркумига кирувчи “Сумбула” рақси ижро этила бошлайди. Унинг ижроси энди яккахон солисткага топширилган.

Муҳаббат ва ҳижрон дардидан қийналган қиз сахнага чиқиб ўз ёрини ахтара бошлайди. Унинг қайғули нигоҳида умид учқунлари пайдо бўлади. Майда қадамлари, баъзан тезлашиб ҳар ёнга аланглай бошлайди. Гўё ҳозир ёри келиб қоладигандек. Лекин унинг ишончи саробга чиқиб, яна хомуш тортади. Қўллари гулбарг, навдалар ила ҳаракатланиб бошига қўйилади ва тансаи чайқала бошлайди. Қўл ҳаракатларига аниқ ишлов берилган, оёқ ҳаракатлари эса содда. Либоси худди тановар ракси либосини такрорлайди. Узун оқ рангдаги қўйлак, бел қисмида кесма ҳосил қилинган. Шунинг эвазига қомат чиройли кўринган. Қайтарма ёқа камзол устидан кўриниб туради. Камзол беқасам матодан тикилган. Енги узун. Енг учларидан қўйлак енги ҳиёл чиқиб туради. Лозим ҳам оқ рангда. Безак сифатида ззебигардон ва зирак, билакузук тақилган. Бошида яшил дурра кийилган. Бироқ ушбу яшил ранг либоснинг умумий ранг ечими билан унчалик уйғунлашмаган.

Шунингдек, ўзбек миллий рақсларини ҳам сахналаштиради. Масалан, ҳозирги кунда ҳам сахнамиздан тушмай келаётган “Гулруҳ” ракси ўз даврида катта олқиш олган. “Гулруҳ” ракси фарғона услубидаги лирик рақс ҳисобланади. Ушбу рақс ўзининг асосий ҳаракатлар мажмуасига эга. Ҳар бир раққосанинг гавда, бош, қўл, қўлдаста, оёқ ҳаракатлари, расмий ҳолатлари алоҳида маҳорат билан бажарилган. Уларда асарнинг моҳиятига, воқеалар руҳи ва қаҳрамонлар ҳолатига мос келиш, ғоявий мазмунини ҳаракатлар орқали очишга эътибор берилади.

Муסיқа садоси янграй бошлайди. Сахнага чиройли ҳарир кийимдаги раққоса чиқа бошлайди. Унинг майда қадамлари ва қўлларининг нозик ҳаракатланиши баҳорий кайфиятни уйғотади. Қўлларини кўксига қўйиб, навбатма-навбат икки ёнга узатади. Шундан сўнг юқорига кўтарилган қўллар “гулбарги” усулини ифодалайди. Майда

кадамлар билан шилдираб оқаётган шалоладан баҳра олиб, унинг зилол сувидан татиб кўради. Шартли ҳаракатлар билан ердаги гулларни узади. Умуман раққоса ёшликнинг беғубор фаслини, кўрсатишга ҳаракат қилган. Яратганга шукроналик унинг юқорига кўтарилган қўллари орқали ифодаланади. Унинг “қийғир бўйин”, “кулбанд” каби ҳаракатлари ҳурлик ва озодликни тараннуми ҳисобланади.

“Гулруҳ” рақси асосан гуруҳли ижро этилиб, таниқли раққоса Мукаррама Турғунбоева томонидан сахналаштирилган. Бугунги кунда ҳам барча балетмейстерлар ушбу рақсни қайта сахналаштиришади. Фарғона мактабига мансуб ўзбек рақсларини ижро этиш учун оёқ, қўл, тана, бўйин ҳаракатларининг ҳар бир жиҳати муҳимдир. Бу рақсларда “ярим” ва ним” сўзларининг ўзига хос сеҳрли маъноси бор. Ўзбек хореографисининг учинчи жиҳати қўл, оёқ, тана ва бошнинг, ҳатто юз мушакларининг ҳаракатларининг ўзаро уйғун ҳаракатида кўринади (қошлар, бир қош, кабоқлар, кўзлар, лаблар ҳаракатининг уйғун тизими ишлаб чиқилган).

“Гулруҳ” рақси учун куйга монанд кийим танланган. Қизлар бошига ироқи дўппи кийишган. Дўппининг чаккасига гул қадашган. Кўйлак пушти рангда. Этаги кенгайтирилган. Олди берк ва тик ёқали бўлиб, ёқага пирпирак тикилган. Худди шу безак енг учига ҳам тикилган. Кўйлакнинг енги бир оз тирсакдан тушиб туради. Этаги ва енг пастада гуллар тикиб чиқилган. Пастга шу матодан лозим кийишган. Лозимга жияк тикилган. Безак сифатида зирак ва маржондан фойдаланишган.

Ансамбл қизлар рақси билан бир қаторда йигитлар рақсига ҳам алоҳида аҳамият қаратади. Йигитлар ҳам миллий анъаналар асосида кийинишади. Жумладан “Ҳандалак” куйига басталанган рақсда йигитлар оқ яхтак ва белбоғда чиқишган. Ушбу рақсда йигитларнинг қўллари кенг ёйилган ва кескин ҳаркатлар билан бурилади. Уларнинг жўшқин

ҳаракатлари турмушдан завқланиб ўз туйғуларини акс эттирувчи акс ҳисобланади. Асосий ҳаракат оёқлар зиммасига юклатилган. “Ҳандалак”нинг рақси йигитлари бошида фарғонача дўппи. Пастга қора шалвор ва махси-этик кийишган. Кийимлар албатта ҳаракатларни мазмунини орттиради. Айниқса, доиранинг кўнгилларни ҳаяжонга солувчи “бака-бум”ига тана ритмининг мослашиши эътиборга лойиқ.

“Дилхирож” ҳам йигитлар рақси ҳисобланади. Рақс мавзуси меҳнатни тараннум этиб, деҳқон йигитнинг ҳаракатлари, бир енгини чиқариб олиши орқали ифодаланади. Тасвирий ифодали рақс сирасига кирувчи ушбу композицияда, меҳнат ҳаракатлари пластик воситалар ёрдамида кўрсатилади. “Дилхирож” да кўллар ҳаракати муҳим ҳисобланиб, у ишга киришган бобо деҳқоннинг енгларини шимариши, уларни юқорига кўтариб, танаси билан бирга эгиши, мусиқа ритмига мос тарзда ҳаракатлар ҳам гоҳ авжига чиқиб, гоҳо сустлашиши билан фарқланади.

Оқ яхтак устидан, беқасам чопон кийилади. Бошдаги дўппи беқасам матодан ўраб чиқилган. Оёқ кийим ҳар доимгидек чарм махси-этиктан иборат. “Дилхирож” қизлар томонидан ҳам маҳорат билан ижро этилган. Бошда ироқи дўппи. Дилхирожга малина рангли крепдишин кўйлак кийилган. Лозим ҳам шу матодан тикилган. Уннинг устидан сиёҳранг вилюр матодан нимча кийишган. Нимчанинг енги узун бўлиб, енги ва паски қисми зар кашта билан хошияланган.

Юқорида сўз юритилган барча жиҳатлар “Наманганнинг олмаси” рақсида ҳам ўз аксини топди. Бу рақс сюжетида маиший ҳаёт қувончлари акс эттирилди. Рақсда Наманган қизлари ўз ёшликлари билан бахтли, қуёш билан уйқудан уйғонади, шамол билан учадилар, бутун Ўзбекистонга машҳур олмаларни тераётган ўз тенгдошлари билан учрашади, шунинг

билан пардоз-андозни ҳам унутмайди, лекин ўзбекона иффат ҳаё-ибони йўқотмаслик учун рўмол ўраб оладилар.

Рақс икки овозда ижро этилади. Биринчи қисмда қўшиқ жўрлигида раққосалар оҳиста қадам ташлаб, гавда ҳаракатини қўшиққа мос тебратадилар. Аммо кейинчалик рақс “нафаси” тезлашади, оҳанг кучаяди, ҳаракат қамрови кенгайиб бораверади. Фарғона рақсларига нафақат оҳанг берадиган, балки мустақил овоз-пластик жинс ҳисобланган қарсакнинг мусикий оҳанг яратишдаги ролини алоҳида таъкидлаш лозим. Қарсак ҳам фақат ҳаракатни безаб қолмай, рақсга маълум маъно бағишлайди. Фарғона услубининг шўх-шодон қўшиғига ижро этилган “Наманган олмаси” рақси либоси бошқаларидан ажралиб туради. Бошга асосан, оч яшил рўмол тўртбурчак қилиб ташлаб қўйилади. икки чакадан тўғноғич билан танғиб қўйилади. Рўмолнинг яшил ранги рақс характерини бойитади.

“Дарё тошқин” куйи рақси либоси характери аввалгиларига ўхшаб кетади. Раққоса лирик характерга эга композицияни ўз услубида юксак даражада ижро этган. Унинг оппоқ ҳарир кўйлаги тонгнинг соф ва мусаффо ҳавосини англатади. Ҳаммаёқ сокин, жимжит. Ушбу сукунат ҳарёнга боқаётган қизнинг нозик нигоҳи ила уйғонади. У қўлларини сувда чайқайди ва яна ҳаракатда енгил давом этади. Бирданига мусиқа садоси тиниб, унинг ўрнини доиранинг жўшқин овози эгаллайди. Бу ҳаётнинг бошланаётганлигидан дарак беради. Тонг таровати ва унинг гўзаллигидан завқ олаётган Рақс сюжетини асосан қўл ҳаракатлари ифодалайди, лекин образли ҳаракат ҳақида гапирганда, улар ҳам озчиликни ташкил этади, қолганлари дарё сувининг шилдираши, инсон кўзидан, қалбидан яширинган тилсимотларнинг инъикосидир. Қўшиқдаги рамзийлик рақсга ҳам таъсирини ўтказган. Қадамларнинг аниқ ритмик ҳаракати, қўлларнинг

сокин силкиниши, имо-ишоралар маишийликдан йироқ бўлиб, уни ҳис қилсангиз қизларнинг кечинмаларини тушуна бошлайсиз.

Бошда тиллақош ва рўмолдан фойдаланилган. Кўйлак оқ матодан тикилагн. Рақсдаги ҳаракатлар ниҳоятда содда, халқ рақслари худди уйда тушиладиган рақсларга ўхшайди. Ҳаракатлардаги ифодавийлик оҳанг-темпини ўзаро алмашинувига асосланади. Айланиш ва шоҳи айниқса ифодавийлиги билан ажралиб туради. Лекин улар алоҳида рақс элементи, холос.

“Фарғона рубойси” – ўзбек рақс санъатининг яна бир дурдонаси ҳисобланиб, ушбу рақсни сахналаштириш узоқ вақ талаб этди. Унда мусиқага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Шарқона чолғу асбоблари бир-бирига ўхшаса-да, ўзбек ансамблларида ўзига хос жарангга эга бўлади. Раққосалар лирик рақсларда найнинг эркаловчи, қўшнайнинг жарангдор овозини ҳис этишлари талаб этилган. Ѓижжак инсоннинг жонли овозини эслатади, дутор, танбур, чанг асбоблари жарангдор сайроқи булбул хонишини эслатади.

“Баёт” ёки “Қари наво” рақслар тематикаси инсон ҳислари, ҳаётидаги бош воқеаларга бағишланади. Мавзу шартли-пластик, образли-рақсли тарзда акс эттирилади. Мумтоз рақсларнинг образли тизимида ҳаётий имо-ишоралар, ҳаракатлар айнан акс эттирилмайди. Рақснинг асосий шакллари бутун тананинг уйғун ҳаракатидан ҳосил бўлади. Оёқлар фақат рақсни “кўтариб юради”. Ушбу рақсларида айланиши, чархи, шоҳи ҳаракатлари муҳим ифодали роль ўйнайди.

Сабо гуруҳи ижросидаги икки концерт дастурини кузатиш орқали, куйидаги хулосага келиш мумкин. яъни гуруҳ раҳбари, гуруҳ аъзоларини ҳам ўзбек мумтоз рақс анъаналарига ҳурмат билан тарбиялайди. Уларнинг давр руҳига жавобан, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда эстрада

қўшиқчилиги талабларига мос рақслар сахналаштиришлари эътиборга
лойиқ. Миллий эстрада хонандаларининг қўшиқларига ижро этилган
рақсларда ўзбек миллий рақсининг ўзаги бузилмасдан, сўз ва куй
оҳангини ифодаловчи ҳаракатларга мурожаат этилади. Бу эса “Сабо”нинг
ўзига хос хусусиятини белгилаб беради.

II-БОБ. Миллий рақс ансамбллариининг ташкил этилиши ва ижодий режалари

2.1. “Тошкент Зеболари” ансамбли репертуаридаги рақслар ва уларининг сахнавий талқини. Рақс гуруҳлари орасида сўнгги йилларда “Тошкент Зеболари” ансамблининг ҳам алоҳида ўрни мавжуд. Гуруҳ 2006 йили истиқлол санъат сройи қошида тузилган. Ансамблнинг асосчиси, бадиий раҳбари ва бош балтмейстери Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, халқаро танловлар лауреати Узоқова Карима Қабуловна. Гуруҳ сахналаштирувчи – репититорлари ўз ишининг усталари Раъно Алимова ва Рахима Юсуповалардир. Ансамбл Тошкентмиллий рақс ва хореография мактаби битирувчилари бўлган профессионал раққосалардан таркиб топган. Ансамблнинг ўз услуби мавжуд, асосан рақс услублари тезлиги, ҳаракатларининг техник тезлиги билан ажралиб туради. Ансамбл ўзбек рақслари билан бирга барча халқ рақслари усулларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Жамоа дастурида анънавий, мумтоз, фольклор ва маросимли, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига мансуб рақслари билан бир қаторда унинг репертуарида замонавий жозибадор ва лирик рақс композициялари, ҳамда дунё халқлари рақслари ўз ўрнини эгаллаган.

Ҳозирда ансамблда 22 раққоса қатнашиб, буларнинг кўпчилиги “Ниҳол” совриндорлари, 4 нафари “Мукаррама Турғунбоева” фестивали лауреати. Ансамблни давлат концертлари билан бир қаторда кўпчилик эстрада хонандалари концертларида ҳам чиқишларини кузатиш мумкин. “Тошкент Зеболари” гуруҳида Карима Узоқовага хос бўлган услуб яққол кўзга ташланади. Ансамбл репертуарида “Мустаҳзод”, “Омонёр”, “Келур”, “Келдиму”, “Абдурахмонбеги”, “Тановар” каби оммавий, “Уйғурча”,

“Нозик”, “Дилдор”, “Шўх қиз”, “Муножот”, “Қўғирчоқ”, “Роҳат”, “Ларзон”, “Раққоса” сингари яккахон рақслар мавжуд.

Карима Узоқова “Фарғона рақс услуби”ни эстрада йўналишида кўпроғ қўллашга ҳаракат қилади. Сабаби, Фарғона усулида ҳаракатлар ўз мазмунига эга, улар лирик қўшиқларга мос келади. Шўх қўшиқларда кўпинча, бухоро рақс услуби элементларига бўйсундирилади. Балетмейстер либосларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Зеро ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири анъанани сақлаб қолиш ва уни ўз ҳолича давом эттиришдан иборат. Томоша санъатлари ичида эстрада энг оммабоп ҳисобланиб у тезкорлиги ва синтетиклиги билан бошқа санъатлардан ажралиб туради. Эстрада санъатига ортиб бораётган талаблар санъаткорлар олдига мураккаброқ вазифаларни қўяди. Ҳозирда эстрада артистлари замонавий эстрада тилини бойитадиган ҳамда унинг томошабинга ғоявий-эмоционал таъсирини кучайтирувчи янги ифодавий воситаларни излаб топишга катта эътибор бермоқда.

Айтиш жоизки, замонавий эстрада санъатнинг турли йўналиш ва жанрларини бирлаштирмоқда. Санъаткорларга берилган эркинликлар туфайли, эндиликда ўзбек саҳнасида ҳеч қандай муаммоларсиз концерт беришга имкониятлар яратилди. Бу эса эстрада билан бирга бошқа санъат турларини ҳам ривожланишига туртки бўлмоқда. Бугунги кун эстрадасини рақсларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қайси санъаткор томонидан уюштирилган коцертни олмайлик албатта уни рақс ансамбллари ижроси билан уйғунлашганини гувоҳи бўламиз. Уларда кичик миниатюра шаклга келтирилган мусиқали-хореографик томошавийлик, миллий рақс элементлари ва бошқаларни кузатишимиз мумкин. Ҳар бир рақс мусиқа оҳанги ва қўшиқ мазмунига мослаштирилиши билан бирга, бир воқеликни ривожлантириш, унинг драматургияси, ривожи ва авжи мавжуд эканлиги

билан ажралиб туради. Замонавий эстрада рақсларида албатта мазмун моҳият бўлиши мажбурий эмас, улар шунчаки рақслардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек у тезкор ва “ҳаммабоп” ҳисобланади. Сабаби концертлар турли ёш ва табақа вакиллари бир жойга тўплайди. Рақслар эса аудиторияга мослаштирилади.

Фикримизни исботи тариқасида эстрада хонандаси Анвар Санаев томонидан ўтказилган 2011 йилги концерт дастурини мисол қилишимиз мумкин. Концерт дастурига сахна безакчиси ва либослар дизайнери томонидан пухта тайёргарлик кўрилган. Шунингдек балетмейстерларнинг ҳам меҳнатлари яққол кўзга ташланади. Концертда турли миллатлар рақслари қаторида, Фарғонача рақсларни ҳам учратишимиз мумкин. “Маликам” кўшиғи бир оз сокин ҳисобланиб, унда ансамбл қизлари фарғона либосларида сахнага чиқишган. Ушбу кўшиққа коллектив рақс сахналаштирилган бўлиб, унда битта солистка рақсни алоҳида ижро этади. У сахнага бошқаларидан кейин чиқиб келади. Кўшиқ матнига мос тарзда фарғона услубига оид ҳаракатларни бажара бошлайди. Ушбу рақснинг хусусиятлари “Баҳор” ансамбли томонидан ижро этилган “Гулруҳ” композициясига жуда яқин. Рақс руҳини биринчи галда либослар ушлаб турибди. Гарчи концертларда ёрқин либослардан кўп фойдаланилсада, балетместер кўшиқ кайфиятини инобатга олган ҳолда, гуруҳнинг барча аъзоларига бир хилда қизғиш сиёҳранг кўйлак кийишни тавсия қилган.

“Севиб севилмадим” кўшиғи ҳам услубан миллий бўлганлиги сабабли, мусиқа ритмига мос ҳаракатлар амалга оширилади. Шу нарса Либос ялтироғ яшил матодан бўлиб, анъанавий фасондан фойдаланилган. Белда қирқим ҳосил қилинган. Этаги белдан бошлаб қиялатиб кесилган. Раққоса айланган вақтида кўйлакнинг этаги халқа шаклига келади. Пастга шу матодан лозим тикилган. Бошга тиллақош кийилган.

Яна бир кўзга кўринган хонанда Алишер Файз концерти рақслари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. “Алвидо” кўшиғига сахналаштирилган рақс, Рақсдаги қадам ташлашлар уфорга мос келади. Қадамлар содда, лекин оёқ учига бўлганлиги учун енгил учаётгандек тасаввур уйғотади, мусиқа оҳанглариининг такрорланиши унга янада улуғворлик бахш этади. Рақс тасвири бир неча қисмлардан иборат, кўпроқ композицияси бўйича яқка ҳолатда, баъзан йирик композициявий кўринишда, яъни катта доира, илон изи, улардан кичикроқ доираларга ўтиш кабилар орқали ижро этилади.

“Куёв”, “Алвидо”, “Дутор” “Вой дод” кўшиғига яқкаҳон рақс сахналаштирилган. Ушбу солисткалар маконни яхши ҳис қилганликлари, ҳаракатни чуқур ҳис қилганликлари туфайли бадий яхлитликка эришилган. Балетмейстер театрлаштириш услубига таянган ҳолда рақс сахналаштирган. Кўшиқнинг ички ғояси ўзига хос ҳаракатларда ифодалансада, сахна имкониятлари баъзи рақс элементларини ўзгартириб кўрсатилишига сабаб бўлмоқда.

Ансамбл раққосалари қаторида бир неча Республика рақс танлов ва фестиваллари ғолиблари мажуд. Шунингдек унинг кўпчилик аъзолари халқимиз меҳрини қозонишга улгурган. Масалан, «Ниҳол» мукофоти совриндори Муҳаббат Қурбоновани олишимиз мумкин. Муҳаббат Карима Узоқованинг энг севимли шогирдларидан бири ҳисбланади. 2009 йили Муҳаббат Қурбонова «Истиқлол» концерт саройида яқкаҳон концертини мухлислари учун ҳавола этди. Концертга замонавий эстрада хонандалари ҳам таклиф этилган. Концертнинг аҳамиятли томони шундаки, Муҳаббат дастурни миллий рақс дасталаридан бошлади.

“Баҳор айёми” – дарахтлар куртак ёзиб гуллаган пайти. Бир гўзал гуллаган дарахт ортидан майда қадамлар билан тез юриб чиқиб келади. У

хаётидан мамнун, шўх-шодон қиёфаси бахтли турмушидан дарак бермоқда. Унинг ўтли нигоҳларидан баҳорни қанчалар соғинганини кўриш мумкин. Ушбу рақс лирик рақс турига мансуб бўлиб, унда инсоннинг ҳис туйғулари, ички кечинмалари ўз ифодасини топган. Атрофда баҳорий кайфият уфуриб турибди, кушларнинг ёқимли сайроғига қувончини табиатга изҳор этаётган бир маҳал узоқдан қачонлардан буён кутган ёрини кўриб қолади. Уялганнамо кўз қраш ва майда-майда қадамлар билан орқага охиста юради. Аммо баҳор кайфияти ва қувончини яшира олмайди. Ёри боғ томондан гўзални ўзи томонга чорлайди. Гўзалнинг уялиши, ҳадиксираши туфайли иккиланиб унга боқади. Бу асарнинг тугуни бўлиб хизмат қилган. Нозик майда қадамлар билан олдинга томон интилиши ва шу юришда ортга қайтиб нозли боқиши унинг иккиланаётганини, яъни “ёрининг ёнига борсамми, йўқми?” деган савол атрофида айланишини кўрсатади. Ҳамда гўзал кўзини ерга тикиб, боши билан “йўқ-йўқ” дея ишора қилади. Соҳибжамол охири қарор қилади. У ёрини боғ сайрига чорлайди. Бу ҳолатни у доиранинг шўх овози ва бир жойда туриб айланма ҳаракати, ҳамда кўз қрашларининг имо-ишораси орқали баён этади.

Ёри унинг таклифини қабул қилади. Буни гўзалнинг юзидаги, кўзидаги уялишларидан ва шодон ҳаракат билан булоқ ёнига бориб, ховучига сув олиб у билан сирлашганидан билишимиз мумкин. Ёрининг келишлик хабари асарнинг кльминациясини белгилайди. Ёр боғга ташриф буюради ва улар биргаликда баҳор айёми сайрига келишади. Ошиқларнинг дийдорлашуви асарнинг ечимидир.

Карима Узокова, Муҳаббатга қардош халқлар рақсларини ҳам ўргатган. Масалан, дастурда “Уйғур халқ рақси”ни ижро этди. Рақс учун “яшил кўйлак устидан, енги узун, олд қисми зар кашта билан қопланган тик ёқали нимча кийган, бошида мўйнали тақия ва чаккасига гул таққан

ракқосага кўзимиз тушади. Қулоғидаги катта балдоқдан ташқари тақинчоқлари йўқ. Муҳаббатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у рақс характерини очиб бериш баробарида, либосларни ҳам айнан мослаштира олади. Ушбу либосда Муҳаббат ҳақиқатда уйғурларга ўхшаб кетган. У рақсдаги сеҳрли ҳаракатларни топиб жойида ишлата билади. Мана у бошини бир ерга қаратиб, яна томошабинга юзланиб жилмаядида қўлларини икки томонга кенг очиб салом ҳаракатини бажаради. Унинг қўллари бир-бири билан кесишиб, қоматининг гўзал шакли-шамойилини тасвирлай бошлайди. Ушбу рақс кескин ҳаракатлардан ҳоли, сокин ижро этилади. Икки ёнга тўлғаниш, қўлларни кўксига олиб бориб, тўлқинсимон ҳаракатлантириш, айланганда ҳам, майин оҳиста бажарилувчи элементлар бир-бирга уланиб бораверади. Кейин рақснинг сурати тезлашади. Рақсда қўл, оёқ ҳаракатига монанд бошнинг қимирлаши, гавданинг ён бошга силкиниши каби хореографик усуллари, рақс характерини тўла очиб беришга ёрдам берган.

Уйғур миллати рақсини қойилмақом ижро этадиган, Муҳаббат "Елпиғичли" япон рақсини ҳам моҳирлик билан ўйнайди. Япон киманоси, оёқ кийимини кийиб, елпиғичи билан ўйнаётган раққосанинг ушбу рақси очик майдонда-боғда олинган бўлиб, табиат манзараси билан яхлит композиция ҳосил қилади. Унинг киманосидаги гуллар ва қушларнинг услублаштирилган нақшлари, соч турмагига уланиб кетган. Қадимги япон аёллари турмакларига хос шаклга киритилган сочига қадалган гуллар ва санчқилар раққосанинг хуснини янада тароватли кўрсатган. У майда нозик кадамлар ташлаб, мусиқа садоси остида юриб чиқади. Қўлларини тиззаларига қўйиб икки марта эгилгач, қулочини кенг ёйганича майда кадамлар билан айлана бўйлаб ҳаракатлана бошлайди. У табиатнинг гўзаллигини ҳаракатлари орқали кўрсатишга интилади. Шунингдек ўзи ҳам

ана шу гўзалликдан сармастлигини намоиш қилади. Елпиғичини олиб у билан ҳам бир неча элемент бажаради. Аммо шу пайт негадир раққоса манзарали суратлар илинган чиройли бино ичида пайдо бўлиб қолади. Бунини монтаж санъатининг махсулоти дейиш мумкин. рақсга сеҳрланган томошабин бунини сезмай ҳам қолади. Унинг Шундай бўлсада, "кўзлари катта, шахло бу Япон қизи" томошабинда завқ уйғота олади.

“Испан халқ рақси” испан кўшиғининг янгроқ мусиқаси янграй бошлайди. Атроф қоронғу, биргина қиз кўйлагининг кенгайтирилган этакларидаги қизил хошияларгина кўзга кўрина бошлайди. Асосий эътибор раққосанинг ўзига қаратилгани боис унинг қомати ёритиб кўрсатилади. Оёқлар шахдам ташланган, кўзлар ҳар томонда "мен сени юрагингга олов ёқаман" дегандек боқади. Мана у кийими этакларини кенг ёйдида, олдинга бир қадам ташлаб, бир қўлини юқорига кўтариб бир ознини олди. Яна ўтли нигоҳлар билан олдинга юра бошлади. У шундай шўх, шундай олов, энг муҳими жуда гўзал! Ҳа, у сиз томон юриб келмокда, ана яқин қолди, аммо сира тутқич бермайди! Қўллар аста олдинга чўзилади, оёқлар ҳаракатни такрорлайди. Қўллар ярим мушт қилиниб, бўкса томон тортилади, ҳаракат такрорланади. Рақснинг барча ҳаракати оёқда бажарилиб, қўллар унга жўр бўлади. Ярим мушт ҳолатидаги ўнг қўл бош баробар кўтарилади, чап қўл кафти ички томони билан ўнг қўлнинг тирсаги тагига қўйилади. У қарсак чалиб, томошабиндан кўзини узмаган ҳолда айлана бошлайди. "Севильяда" номли бу испан рақси ижро этаётган раққоса гўё Муҳаббат Қурбонованинг оловли ва жозибали рақсларидан бири бу “Лўли қиз” рақсидир. Бу рақс эстетик рақс турига мансуб бўлиб, унда кучли ҳиссиёт, жазавага тушиш ҳолатлари баён этилади. Лўлилар урф-одатига кўра ҳар бир қиз бола турмушга чиқишидан олдин бутун

табур, яъни лўлилар тўдаси олдида гулхан атрофида рақсга тушиб бериши шарт экан.

Лўли қиз мағрур, ўтли нигоҳ ва виқор билан ўртага чиқиб келади. Лўлиларнинг “озод қуш” лиги ҳеч кимга сир эмас. у эртага ўз эркини табурдаги бир йигит қўлига топширади. Табурдагилар қўшиқ айта бошлашади. Лўли қиз ўта жозибали, унинг юзида аламли, изтиробли ва кинояли табассум. Унинг секин ҳаракатлари тезлашади ва чалкаш ҳаракатларга айлана боради. Лўли қиз рақсга тушгани сари жазавага тушиб боради. Эркинлигидан воз кечиш унинг учун қанчалар оғирлигини ҳар битта ҳаракатидан кўришимиз мумкин.

Лўли қизнинг рақс тушганидаги гавда ҳолатлари, мажбурий қўл ҳаракатлари, яъни букилмаган ҳолда баланд, зарб билан кўтаришлари оёқларининг тўла ва баланд очилиб, тўла ростланиб текис тушиш ҳолатлари ўзбек рақсларидан тубдан фарқ қилади.

Лўли қиз рақсга тушар экан, жойида турган ҳолда ва силкиниб айланиши, елка силкишлари хоразим рақси элементларини ҳам ёдга солади. Лўли қиз бугун эркинлигидан айланиб, ҳавода баланд-баланд сакрайди. Рақсни томоша қилар эканмиз, қизнинг қалбидаги кечинмаларнинг тугўнини яққол кўра оламиз.

Таниқли хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековнинг ҳар йилги концерт дастури мухлислари томонидан интиқлик билан кутиб олинади. Озодбек Назарбеков халқчил хонанда ҳисобланади. Унинг санъати 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган инсонлар орасида оммалашган. Йўналишида ҳам анъаналар замонавий оҳангларга йўғрилганлиги сабабли, рақс усталари ва балетмейстерлар кўпроғ анъанавий аҳамиятга эга рақсларни сахнлаштиришга ҳаракат қилишади. Зиёда Мадрахимова, Карима Ғиёсова ва “Тошкент Зеболари” ансамбли

хонанданинг кўпчилик концертларида иштирок этишган. Зиёда Мадрахимова ижодига аҳамият қаратадиган бўлсак, балетмейстер сифатида бир қанча ўйинларни ўзига хос талқинда сахналаштирган.

Эстрада санъатида рақснинг аҳамиятини очиб бериш мақсадида, ҳар йилги дастурларидан энг ёрқин намуналарини таҳлил қилиб ўтмоқчимиз. “Лайлим” кўшиғи ўз номи билан, ўзбек миллатининг гўзаллик идеали бўлган Лайли тимсоли орқали ифодаланган соғинчнинг нозик ҳиссига бағишланган. Бироқ, сахнада бир гуруҳ нафис пушти кўйлак кийган раққосалар пайдо бўлишди. Улар рақсда сокин ҳаракат қилиб, асту-секин ортга бурилиб, бир-бирларига жой бўшатадилар. Уларнинг бир-бирларини эъзозлаши, ҳурмат қилиши ва ўзбек қизларининг иффати гўзаллигини ифодаловчи рамзий маъноларни билиш мумкин.

Хонанданинг баъзи кўшиғларида қардош халқлар оҳангига яқинлик сезилади. Мисол тариқасида, “Сени кўрдим қайданам” кўшиғини келтиришимиз мумкин. Сахнага жўшқинлик ва завқ билан гуруҳ қизлари чиқишади. Уларнинг барчаси бир хил “ҳинд” либосини кийишган. Рақс марказида ҳаракатланаётган солистканинг кийими бошқаларникидан, тўқ-қизил ранги билан ажралиб туради. Рақс бир хил ритмда бўлиб, уларнинг кўлидаги доира ҳаракатлар уйғунлигига ёрдам берган. Раққосаларнинг бел ва бўксаларини титратиши ҳинд раққосаларига монанд. “Баёт” рақси аввалги икки рақсдан кескин фарқ қилади, у нафақат бажарилиш тарзи билан, балки усуллар тузилиши билан ҳам фарқланади. Бунда танани тутиш, ўз ўқи атрофида айланиш, оёқларни панжага таяниб учиш каби ҳаракатларда табиий эркинлик ҳукмронлик қилади.

Дунёни қувонч ила идрок этиш рақснинг умумий эмоционал ҳолатидир, у аста очик нафаси сари ўсиб боради ва яна осойишта хурсандчиликка айланади. Рақс композицияси одатдагидек муқаддима,

воқеалар ривож, кульминация ва ечимдан иборат. Раққосаларнинг либоси қизил-сарик рангли очик хон атласдан этаги кенг қилиб тикилган кўйлақдан иборат. Унинг енги ҳам қуйига қараб кенгайиб боради. Белгача тўқ қизил бахмалдан атрофларига зар тикилган, тик ёқали нимча кийилади. Бошга чиройли кашта билан тикилган дўппи, чолвор эса кўйлақ матосидан тикилган, пойчасига жияк тикилади. Зираклар қизил тошли, сийқа билакузуклар.

“Баёт” рақси ижросида қўллар ҳаракати алоҳида аҳамият касб этади, оёқлар ҳаракати бошқа мумтоз рақслардаги каби, рақс мазмуни тананинг ритм-пластик ҳаракатлари орқали ифодаланади. Ижро мароми кульминациядан ташқари бир осойишта кўринишда бўлади. Кульминация қисми ҳам рақснинг бошқа қисмларидан кескин ажралиб турмайди. Қўллар уч хилдаги қарсиллатиш ҳаракатини бажаради: бири бир қўл билан бажарилса, бошқаси кафтларини жуфтлаган ҳолда кўрсаткич бармоқлар билан бажарилади. Аммо чап қулоқ ёнида кафтлари билан қарсак чалиш билан рақснинг бошланиши ва тугаши қўллар ҳаракатининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

“Тошкент зеболар” ансамбли Республикамизнинг катта анжуманлари, жумладан “Мустақиллик байрами”, “Наврўз”, “Шарк тароналари” ва бошқа тадбирларда ўзининг мазмунли рақслари билан иштирок этади. Албатта, режиссер тузган сценарийга мувофиқ, ижрочилар маҳорати билан уйғунлашган композиция яралади. Тадбирларда “Тошкент Зеболари” Исроилжон ва Исмоилжон Вахобовларнинг доирага усул бериб, унга ҳамоҳанг майдонга чиқиб келишларигача, Сойибжон Ниёзовнинг қалб торларини чертувчи “Дуторим” кўшиғидан то беназир созанда Абдухошим Исмоиловнинг ғижжакдаги “Чўли-йирок” нолаларигача, Бухороча ўйноқи мавригисидан тортиб, ниҳоят Матлуба Дадабоевнинг

“Самарқанд ушшоғи”даги бетакрор авж пардаларигача бари ансамбл ижросида узвийликка эга. Қизларнинг нозли ўйинлари, Бойсун фольклор кўшиқ ва рақсларига омухта этилиши томошабин руҳиятининг дардчил, тушкун хиссиётлардан некбин туйғуларга уланиб кетишини таъминлайди. Раққосаларнинг завқу-шавққа тўлиб, маҳобатли сахнани тўлдириб хиром этишлари ёруғлик ва ҳаёт тантанасининг муқаррарлигидан мужда беради. Ҳар бир ижро этилган рақс бир-бирига ўхшамаслиги ва бир-бирини такрорламаслиги жиҳатидан ўзгача композицион тузилишига эгаки, томошабин рақс ритмининг бетакрорлигидан томошабин зақ олиши тайин. Қайси сахна бўлмасин, “Тошкент Зеболари” қизларининг ниҳолдай тебраниб туриши ўзгача қиёфа акс эттиради. Йиллар давомида, Гуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева, Маҳмуд Номозов, Нилуфар Рахматова, Райхон Ғаниева, Гулсанам Мамазоитова, Дилноза Исмияминова, Адҳам Солиев, Самандар Ҳамроқулов, Сардор Рахимхон, Озодбек Назарбеков каби хонандаларнинг концертлари “Тошкент Зеболари” қизларининг дилтортар рақслари билан шодиёнага айланмоқда.

2.2. “Офарин” ансамбли сахна-номерлари ва миллий эстрада рақсини ривожлантиришдаги фаолияти

Ўзбек рақси санъатига яна бир ўзига хос услуб ва репертуарга эга бўлган ансамбл қўшилди. «Офарин» ансамблини тузиш учун Алия Шалхарова 2002 йилда ҳаракат бошлаган эди. 2003 йили июл ойида унинг фаолият олиб бориши учун рухсат берилди. У Тошкент хореография олий мактаби битиручиларидан 25 нафар қизни жалб этди. 2004 йили «Офарин» ўзининг биринчи концертини намойиш қилди. Ушбу концерт «Офарин»ни ўзига хослигини намойиш қилган эди. «Раққоса» деб номланган ушбу дастур театрлаштирилган рақс сахналаридан иборат эди.

Маълумки, рақс кўринишларини театрлаштириш тажрибасини биринчи бўлиб, Юлдуз Исматова «Тановар» рақс театрида бошлаб берган эди. Бу санъат оламида эътиборга молик иш эди. Бир рақс орқали бир тақдир ифодаланса, рақс театр имконидида кўплаб тақдирларни очиб бериш мумкин.

Алия Шалхарова ҳам устозлари тажрибасидан фойдаланиб, замонавий томошабин талабини инобатга олган ҳолда, рақсларни уларнинг дидига мослаштиришга ҳаракат қилди. «Офарин» қизлари ҳаммаси ёш бўлганликлари туфайли ижодий жўшқинлик ва бир-бирларини яхши тушунишлари биринчи концертларида кўзга ташланди. «Офарин» рақслари ўз-ўзидан туғилмади. Улар миллий рақснинг барча элементларидан усталик билан фойдаланишди. Импровизация орқали ҳар-бир ҳаракат тезлаштирилиб, уларга ўзгача жозиба берилди. Концерт якунига етгач Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри зали гулдурос қарсақларга тўлиб кетди. Алия Шалхарова бундай натижани кутмаган эди. Муҳокамада сўзга чиққанлар, ансамбл ўтмиш ва замон ўртасидаги мувозанатни топа олганликлари хусусидаги ижобий фикрларни билдиришди. «Офарин» репертуарини бойита бошлади. Сўғдиёна Исроилова, Ирода Исмоилова каби кўзга кўринган солистларга эркин ижод қилиш икони берилган эди. Сал ўтмай, 2004 йилнинг ўзида «Офарин» ансамбли «Summer festival» Жанубий Корея халқаро фестивали лауреатига айланди. иштирок этиб, билдирилди.

Шу ўринда Алия Шалхарова ҳақида қисқа маълумот бериб ўтмоқчимиз. 1995 йили Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабини тамомлагач, шу йилнинг ўзида «Эйфория» деб номланган шоу-балетга гуруҳига асос солди. Унинг ушбу лойиҳаси Ўзбекситон эстрадасида саккиз йил ишлади. Бироқ, «Эйфориянинг» фаолияти эстрада

сахнасини безашдан нарига ўтмаган эди. Катта тажрибага эга Алия Шалхарова эндиликда, «Офарин» гуруҳини ташкил этиб, унинг режасига ўзбек миллий эстрада рақс санъатини дунёга танитиш критилган эди. Режа ўз натижасини кўрсатди. Тез орада «Офарин» нафақат Ўзбекистонда, балки хориж давлатлари орасида ҳам танила бошланди. 2006 йили Қозоғистонда бўлиб ўтган «Касалка» халқаро фестивали лауреати бўлди. Ўзининг яккахон дастури ва репертуарини бойитиб борди. «Орзулар ушалади», «Рақс-менинг ҳаётим», «Планета бешиги», «Тушлар» каби дастурлари билан Нидерландия, АҚШ, Канада, Буюкбритания, Израиль, Франция, Туркия, Латвия ва Литва каби давлатларга гострол сафарлари уюштирди. 2006 йили Алия Шалхарова Ўзбекистон санъати ривожига ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлашда хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси – Дўстлик ордени билан тақдирланди.

Шунингдек эстрада хонандалари концертлари “Офарин”нинг бетакрор рақслари билан жозибадор бўлиб ўтди. Масалан, Райхон Ғаниеванинг кўпгина концерт рақслари “Офарин” ансамбли томонидан ижро этилди. 2007 йилги концерт дастури мисолида унинг ўзига хос хусусиятларига баҳо беришимиз мумкин. Балетмейстерлар концерт моҳиятидан келиб чиққан ҳолда сахнага кўл уришган. Сахна беағи ва чироқлар ёрдамида рақслар янада жозибали чиққан. Сабаби сахнада бадиий яхлитлик ва умумий тасаввур уйғотишда ушбу унсурларнинг аҳамияти катта. Шунингдек ҳар бир рақс учун унинг характеридан келиб чиққан ҳолда либос танланган. Концерт дастури “Сени соғиндим” кўшиғи билан бошланади. Рим патрициянкалари либосларида сахнага гуруҳ қизлари чиқиб келишади. Оппоқ либос поклик ва беғуборликни билдириб, соғинч ҳиссини кучайтириб кўрсатган. Раққосаларнинг енгил ва нафис ҳаракатлари орқали соғинчнинг туйғуси очиб берилган.

Алия Шалхарова турли хил санъат композициялари, лавҳалар, образларни бир-бирига боғлаб, уйғунлашган бир бутун томоша яратишга ҳаракат қилади. Унинг турли хилдаги рақсларни яхши билиши эстрада йўналишида айтиладиган қўшиқларига халқ рақси, миллий мумтоз рақс, цирк, ва спорт рақслари, балет кўринишларини эстрада рақсидан иборат рақс санъати воситаларига уйғунлаштиради.

Балетмейстерлар ижодига баҳо берадиган бўлсак, пластика ва сўз мазмуни орасидаги уйғунлигини ифода эта олганлар. Нафақат балетмейстерлик, балки режиссерлик қобилияти ҳам таҳсинга сазовор. Барча рақсларда сюжет аҳамиятли бўлган дея айтолмаймиз. Бироқ концертдаги яхлитлик рақслар жанридаги контрастлилик ва дастур элементлари ритмининг узвийлиги ҳамроҳлигида юзага келган. Шунинг учун характерли рақс техникаси йил сайин мураккаблашиб, серқирра бўлиб бораверди. Техниканинг мураккаблашуви ва бойиши асносида бир-бирини тўлдирувчи икки йўналиш давом этмоқда. Биринчидан, сахнавий характерли рақс кейинги даврларда турли миллатлар, халқлар рақс фольклорларидан ўзига хос ҳаракатларни ўзлаштирди. Иккинчидан, раққослар ҳаракати арсенали илгари фақат мумтоз рақсларда учрайдиган (айланиш ва мумтоз сакраш па; ҳавода учишлар ва ҳ.к.) бир қатор техник усуллар билан бойиди.

Бу халқ сахна рақсини бойиш жараёни ҳаваскорлик жамоалари ишига ўз таъсирини ўтказмай қолмади, негаки улар ҳамиша машҳур профессионал рақс жамоаларининг ўзига хос “йўлдоши” бўлиб келган. Аммо айнан шу халқ ва профессионал хореографияни яқинлашув жараёни халқ ижодининг ранг-баранглигини кўрсатувчи рақс санъатининг уйғунлигини вужудга келиш сабабларидан биридир. Хонанданинг ҳар йилги концерт дастурларини кузатиб шундай хулосага келиш мукин.

Раққослар фақат ўйин моҳиятига бўйсуниб билан бирга, профессионал даражада тайёргарлик ва кучли пластикага эга. Шунингдек дастурда ҳам миллий ҳам замонавий рақслар ўрин олиш билан бирга, араб, испан, лотин америкаси рақслари ҳам ўрин олган.

“Бака-бака” қўшиғи аҳамиятига кўра миллий оҳанглардан иборат. Ўз вақтида хит бўлиб кетган қўшиқ инсонларни ҳаётда илгарилаш ва ҳар қандай тўсиқларни енгишга ундайди. Шу сабабли миллий руҳга йўғрилган ҳаракатлар ва фарғона рақс услубига асосланган тезлаштирилган темпдаги элементлардан иборат. Унда кардебалет усулидан кенг фойдаланилади. “Кардебалет” дегани, яккаҳон раққосанинг мураккаб рақс фигураларини ижро этаётганда бирор вазиятда қотиб қолишидир.

Кардебалетда биринчи гуруҳи икки раққосадан иборат бўлади, улар ўнг ва чапдан шох-қадам, билан чиқиб келади яқин келгач бири-бирига таъзим қилади. Шу аснода саккиз нафар раққоса сахнага чиқади, юриш мароми ўзгариб чарх-шене бўлади ва ярим доира ясаб чап тиззага ўтирадилар. Сўнгра бир чап кулисга қараб икки диагонал бўйлаб тизилишади.

Яккаҳон раққоса пайдо бўлади. Кардебалет орқа томонга икки қатор бўлиб тизилади. Сўнгра рақс элементлари кетма-кет бажарилади. “Қайтолмайман” қўшиғи спорт гимнастикаси рақсларидан иборат. Кичик ёшдаги қизлар ленталари қўшиқчининг боши узра бир нуқтага бирлаштирилган. Эътибор қаратадиган бўлсак рақс фақатгина гимнастик ҳаракатни ифодаламасдан, раққосанинг йўллари, яъни унинг ортга қайта олмаслигини кўрсатади. Ҳар бир лентанинг ўз ранги мавжуд. Яъни ҳаётдаги ёрқин ва рангсиз тақдир йўллари. Тонг яқин, булбулнинг сайраши эшитила бошлайди. Қуёшнинг илк нурлари баҳор рамзи сифатида эрта гуллайдиган бодом гуллари яшнатиб янада гўзалроқ қилиб

юборади. Табиатда, қизлар юрагида баҳор, куёшнинг нозик эркаловчи нурлари қалбларни ҳапқиртириб юборади. Қизлар узун шаффоф енгил либосда, қўлларида гуллаётган бодом шохи, бодом дарахтини эслатувчи сиқик доира шаклида турадилар. Уфқ оқара бошлайди, қизлар томошабинларга сездирмаган ҳолда доирани кенгайтириб борадилар ва рақс бошланади. Уларнинг шиорлари ташқаридан ниҳоятда чиройли кўринади. Виқорли қоматлар енгил ҳаракатга тушади, улар худди оқ булутлардек кўтаринки кайфият бахш этади. Рақс лексикаси ниҳоятда содда ва ва ифодали.

Рақсда кескин ҳаракатлар қилинмайди, ўта мураккаб алмашишлар ҳам мавжуд эмас, барча ҳаракатлар осойишталикка йўналтирилган. “Баҳор” валси ижрочилардан юксак рақс техникасини талаб қилмайди, аммо баҳорнинг ўзгача шивирини эшитиш ва акс эттириш зарур бўлади. Қўллар ҳаракати ҳам турли-туман эмас, аммо назокатли ва енгил бўлади. “Баҳор” валсида ўзгарувчан қадам ташлаш ҳам оёқ учида бажарилади, лекин товон жуда баланд кўтарилмайди, тиззалар таранг бўлмайди. “Булбулни чақириш” учун қўл панжаралари билан айланма ҳаракат қилишда елка бўшаштирилади, демак елкалар таранг бўлмаслиги мумкин. “Баҳор” рақсини ижро этаётганда қомат юқорига эмас, олдинга қараб йўналтирилади. Қирқ кокилли раққоса қизларнинг боши бироз эгилган, бодомнинг гуллаган шохига енгил қараш қилинади, киприклар бироз сузилган, бош енгил ишорага тайёр туради, қийғир бўйин чиройли кўриниб туради. Буларнинг барчаси шарқона гўзал ўзбек қизи образини чизиб беради. Томошабин кўз олдида ўзбек заминини яшилга ва гулларга буркаб баҳор фасли келганлиги гадаланади.

“Ўртамизда дарё” кўшиғи фильмга ёзилган ҳисобланиб, 2008 йилги дастурнинг марказидан ўрин олган. Саҳнада ритмик ҳаракатларга

асосланган, баланд бўйли, қомаги келишган, енгил ва эгилувчан пластикага эга йигитлар пайдо бўлишади. Рақс ритмик ва тематик рагбарангликка эга.

“Севишганлар” рақсида балетдан фойдаланилиб, икки ёшнинг нозик ҳислари сингдирилган. Омадли киритилган композицияда йигит кизни секин кўтариб олади, яъни умри давомида уни кўлида кўтариб юришга тайёр эканлиги билдирилади. Шуниси аҳамиятлики Райхон Ғаниевнинг ўзи ҳам кучли пластика ва артистик характерга эга. У барча рақс элементларини раққослар билан бирга такрорлай олади. Ўзи ҳам бирга рақс композицияларини ижро этади. Шу ўринда унинг балериналар ҳаракатини беҳато такрорлаб партнёри билан ажойиб рақс чизмаси яратгани кўзга ташланади.

Райхон Ғаниева кўшиқларига сахналаштирилган рақсларнинг омадли томонидан ҳар бир рақсга алоҳида костюм танланганидир. Костюмлар рақсни уйғунлаштиради ҳамда ранг ечимини тўлдиради. Хатто спорт кийимларида ҳам ўзига хос чизиқлар ва айрим бўлақлар байрамона кайфият бахш этган. Райхон Ғаниева концертларидаги кўтаринкилик ва рақслар хусусида жуда кўп ижобий фикрлар билдириш мумкин. Ҳар йилги дастурларни кузатганимизда уларда миллий рақс анъаналари ифодаланиши билан бирга, доимий янгича номерлар устида ишлангани, замонавий рақснинг барча турлари ва турли миллатлар рақсларини ҳам сахналаштирилганини гувоҳи бўлиш мумкин. Балетмейстерлар ҳар йили рақс чегарасини янада кенгайтиришга ва ёшлар эстетик дунёқарашини кенгайтиришга ҳаракат қилишмоқда.

Эстрада доим янги репертуарга муҳтож. Шу сабабли эстрада артистлари замонавий ҳодисаларга тезкор бўлишлари лозим. Ҳаёт доим янги мавзу ва янги образларни талаб этади. Бироқ таъкидлаш лозимки,

янгиликни кетидан қувиб, эски анъаналарни унутмаслик ва ўзликни сақлаб қолиш лозим. Кўп бора такрорлангандек миллат ғурури ва фахри унинг миллий ўзлигидадир. Балетмейстерлар ҳам айнан шу нарсаларга эътиборни қаратишлари лозим. Замоनावийлик ва анъана орасидаги тортишувлар ҳар доим бўлиб туради. Зеро ҳар иккисининг ҳам ўз мухлиси ва томошабини мавжуд.

Дастурларнинг бирида ижро этилган “Май” кўшиғи темпининг тезлиги унга айнан замоनावий рухдаги рақсни саҳналаштирилишини талаб этади. “Офарин” гуруҳи қизлари тезкор ҳаракат ва пластикага эга бўлган замоनावий рақс элементларидан фойдаланиб кўшиғни безатишган. Рақслар ижросида энг умумий қонуниятларни татбиқ этиб, балетмейстер ва ижрочилар айнан шу халқ учун хос бўлган жиҳатларни очиб берди. Бу жараёнда умумийлик ва хусусийлик жиҳатларининг муносиблиги масалаларини белгилаб олиш муҳимдир. Фақат муносиблик қонунларини аниқ сақлаб қолишгина рақсдаги уйғунликни яратади ва умумийликни ўзгачалигини таъминлайди.

2012 йили 5 октябрда АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси Даниел Перл Халқаро Мусиқа Кунига бағишланган концерт ташкил этди. Концертни “Офарин” анъанавий рақси билан очиб берди. Концертни АҚШ элчиси Джордж Кролнинг ўзи очиб берди. Бу халқаро мусиқа кунини Ўзбекистонда АҚШ элчихонасида учинчи йили ташкил этилиши эди. 2012 йилги концертга мингдан ортиқ киши ташриф буюрди. Концертни саҳнада 30 йилдан ортиқ вақт ўз мухлисларини хушнуд этиб келаётган хонанда Насиба Абдуллаеванинг кўшиқлари янада мазмунли чиқишини таъминлади. “Офарин” ўз услуби билан хонанданинг кўшиқларини безатди. Умуман “Офарин”нинг келажакдаги режалари улкан. У ўзига хос хусусият билан ўзбек рақсини ривожлантирмоқда.

Хулоса

“Мустақиллик даври рақс ансамбллари фаолияти” мавзусини ўрганар эканми, бугунги кунда рақс санъатига эътиборнинг кучайганлиги ва унинг ўзига хос тарзда ривожланганига гувоҳ бўлди. Ўзбек миллий рақс анъаналарини сақлаб қолиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, “Ўзбекрақс бирлашмаси”нинг ташкил этилиши натижасида, рақс соҳасида камчиликларни бартараф этиб, зеро ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири анъанани сақлаб қолиш ва уни ўз ҳолича давом эттиришдан иборат. Томоша санъатлари ичида эстрада энг оммабоп ҳисобланиб у тезкорлиги ва синтетиклиги билан бошқа санъатлардан ажралиб туради. Эстрада санъатига ортиб бораётган талаблар санъаткорлар олдида мураккаброқ вазифаларни қўяди. Ҳозирда эстрада артистлари замонавий эстрада тилини бойитадиган ҳамда унинг томошабинга ғоявий-эмоционал таъсирини кучайтирувчи янги ифодавий воситаларни излаб топишга катта эътибор бермоқда.

Айтиш жоизки, замонавий эстрада санъатнинг турли йўналиш ва жанрларини бирлаштирмоқда. Санъаткорларга берилган эркинликлар туфайли, эндиликда ўзбек саҳнасида ҳеч қандай муаммоларсиз концерт беришга имкониятлар яратилди. Бу эса эстрада билан бирга бошқа санъат турларини ҳам ривожланишига туртки бўлмоқда. Бугунги кун эстрадасини рақсларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қайси санъаткор томонидан уюштирилган коцертни олмайлик албатта уни рақс ансамбллари ижроси билан уйғунлашганини гувоҳи бўламиз. Уларда кичик миниатюра шаклга келтирилган мусиқали-хореографик томошавийлик, миллий рақс элементлари ва бошқаларни кузатишимиз мумкин. Ҳар бир рақс мусиқа оҳанги ва қўшиқ мазмунига мослаштирилиши билан бирга, бир воқеликни

ривожлантириш, унинг драматургияси, ривож ва авжи мавжуд эканлиги билан ажралиб туради. Замонавий эстрада рақсларида албатта мазмун моҳият бўлиши мажбурий эмас, улар шунчаки рақслардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек у тезкор ва “ҳаммабоп” ҳисобланади. Сабаби концертлар турли ёш ва табақа вакиллари бир жойга тўплайди. Рақслар эса аудиторияга мослаштирилади.

Ишнинг I, II бобларида “Сабо”, “Тошкент Зеболари”, “Офари” ансамбллари шакли, тарихий йўли, ўзига хослиги, чет эл сафарлари ҳақида сўз юритилди. Эътибор бериладиган бўлса ушбу ансамбллар томонидан қатор ютуқлар қўлга киритилган. Уларнинг ҳар бири ўзига хосликка эга. “Сабо” ансамблининг таҳсинга сазавор ишларидан бири улар анъанавий рақсларни ҳам қайта тиклаётганлигидир. Кўриб ўтганимиздек ансамбл нафақат устозлар усуллари, рақслардаги либосларини ҳам сақлаб қолишга уринишмоқда. Албатта булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Ансамбл бадий раҳбарининг ўтмиш меъросга ҳурмати ва шогирдларига ўзбек рақси усулини ўргатаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Маслан, “Сабо” ансамблининг репертуарида Фарғона рақсларига алоҳида эътибор қаратилаган. М.Мирзаева устози Мукаррама Турғунбоевадан ҳар бир рақснинг яратилиш тарихи ва рақс драматургиясини ўрганди. Унинг кейинги ижодида бу жараён муҳим ўрин эгаллаб, ижодкор учун ҳаёт мактаби бўлиб қолди. Ҳозирда ўзи фаолият юритаётган “Сабо” ансамблида ўз шогирдларига ушбу рақсларни ўргатмоқда.

“Тошкент Зеболари” ансамблининг ўз услуби мавжуд, асосан рақс услублари тезлиги, ҳаракатларининг техник тезлиги билан ажралиб туради. Ансамбл ўзбек рақслари билан бирга барча халқ рақслари усуллари ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Жамоа дастурида анъанавий,

мумтоз, фольклор ва маросимли, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига мансуб рақслари билан бир қаторда унинг репертуарида замонавий жозибадор ва лирик рақс композициялари, ҳамда дунё халқлари рақслари ўз ўрнини эгаллаган.

“Офарин” ансамбли рақсларида турли хил санъат композициялари, лавҳалар, образларни бир-бирига боғлаб, уйғунлашган бир бутун томоша яратишга ҳаракат қилинади. Унинг турли хилдаги рақсларни яхши билиши эстрада йўналишида айтиладиган қўшиқларига халқ ракси, миллий мумтоз рақс, цирк, ва спорт рақслари, балет кўринишларини эстрада рақсидан иборат рақс санъати воситаларига уйғунлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.А. Каримов -“Ўзбекистон 21 асарга интилмоқда” Тошкент Ўзбекистон нашриёти 2000 йил Иккинчи боб «Жамият маънавиятини янада юксалтириш».
2. И. А. Каримов – “Юксак маънавият енгилмас куч” Тошкент “Маънавият” нашриёти 2008 йил.
3. И. А. Каримов – “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” “Ўзбекистон овози” газетаси 1998 йил 22 август.

Фармон ва қарорлар:

4. И. А. Каримов -“Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони.1997 йил 8 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1997 йил 1-сон, 26-28 бетлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони. 1996 йил.5 апрел. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил. 4-сон, 4-5-бетлар.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекнаво” гастроль-концерт бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги Қарори. 1996 йил 26 апрел. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1996 йил. 4-сон, 3-5-бетлар.
7. “Президент Ислом Каримовнинг “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи” “Халқ сўзи” 2001 йил 6 ноябр №226 (2788) 1-2-бетлар

Махсус адабиётлар:

8. Ткаченко Т. Народный танец. – М. : Искусство, 1954.
9. Авдеева Л. Танцевальное искусство Узбекистана, - Т.: Государственное изд-во художественной литературы Узбекской ССР, 1963.
10. Каримова Р. Танцы ансамбля «Баҳор», - Т., Гафур Гулям. 1979.
11. Авдеева Л. Мухитдин Кори-Ёқубов – Т.: Гофур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1984 йил.
12. Каримова Р. Урок узбекского танца. – Т., Ўқитувчи, 1987.
13. Авдеева Л. Мукаддас Туғунбоевнинг рақси – Т.: Гофур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1989 йил.
14. Каримова Р. Тановар. Маданият ишлари вазирлиги. – Т., 1993.
15. Каримова Р. Доира зарбларига машғулот. Маданият ишлари Вазирлиги. – Т., 1995.
16. Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан – Т., 2001 йил.
17. Ўзбекистон Бадий Академияси санъатшунослик илмий-тадқиқот институти - Ўзбекистон санъати- Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001.
18. Шокиров Ў., Ашрафий Ф., Шокирова И. Ўзбекистон маданияти намояндалари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 2001.
19. Санъат тарихи – (Ўзбекистон бадий Академияси санъатшунослик илмий тадқиқот институти томонидан тайёрланган) - Т.: “Шарқ нашриёти” 2001 йил.
20. Авдеева Л., Кадиров М., Исмазова Ю. Танцы «Тановар». – Т.: изд-во полиграфический творческий дом им. Гафура Гуляма. Ташкент, 2002.
21. Каримова Р. Ўзбек рақслари. Чўлпон нашриёти. – Т. 2003.
22. Каримова Р. Меросий рақс дурдоналари. – Т., Чўлпон, 2003.
23. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 7 жилд 266 бет 2004 йил Давлат илмий нашриёти.

24. Сайфуллаева Д. ва Казакбаева З. Ўзбек рақс санъати тарихи ва рақс сахналаштириш сирлари – Т. : “ Voris- нашриёти” 2006 йил. Каримова Р., Сайфуллаева Д. Ўзбек рақси. Аёллар якка рақслари. – Т., 2007.
25. Каримова Р. ва Собирова Ф. “Нурсафардийя ҳаракатлар тизимида ўзбек миллий рақслари ва жанговор уйинлари” – Т.: “Lider Press” нашриёти 2008 йил.

Мақолалар:

26. Фарҳод Файзиев “Ўтли рақслар”, “Ўзбекистон маданияти” газетаси 4 бет, 30 январ, жума 1981 йил. № 9 (2585)

27. Аҳмаджон Раҳимов “Рақсдаги дарз”(муҳокама учун мавзу) , “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992 йил 12 июнь №24 (3180) 6 бет.

28. Розия Каримова “Миллий рақс муаммолари ҳақида ўйлар”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 1996 йил. 16 август № 33 (3370) 6 бет.

29. Мақсуда Ботирова “Гавҳарлардан бири”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 1997 йил. 26 декабр № 52 (35270) 5 бет.

30. Гулчехра Умарова “Рақс миллат мулки”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 1996 йил. 15 ноябр №46 (3383) 1-2 бет.

31. Холмуҳаммад Каримов “Рақсимизда фалсафа борми?”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 1999 йил. 8 январ № 2 (3489) 1 бет.

32. Шукур Қурбон “Муҳиддиндан эзгу ишлар қолди” (Гавҳар Раҳимова билан суҳбат) “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2000 йил. 24 ноябр № 48 (3589) 4 бет.

33. “Санъатингизга қойилмиз”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 2001 йил. 26 октябр № 44-45 (3631) 5 бет.

34. Матлуба Темур қизи “Ниҳоясига етмаган суҳбат”, “Театр” 2006-3, 38-39 бет.

35. Дилдора Тоирова “Сен баҳорни соғинмадингми?” - “Jannat Makon” май /2006 йил. 14-20 бетлар.

36. Чарос Баҳриева “Розия Каримова: “Тақдиримдан розиман” – “Jannat Makon” ноябр/ 2007 йил. 28-38 бетлар.